O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • uzasziyoli@list.ru • 2007-yil, 2-mart • № 9 (3889)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари Кенгашидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари Кенгаши 2007 йилда бериладиган Давлат мукофотлари танловига қуйидаги ишлар қўйилганлигини маълум қилади:

Фан ва техника соҳасида:

1. Абдукаримов А.А., Абдуллаев А.А., Абдурахмонов И.Ю., Мусаев Д.А., Ризаева С.М. Ғўзанинг Gossypium тури генофондининг фундаментал тадқиқотлари.

Ғўзанинг миллий генофонди илк маротаба дунё миқёсида ўрганилиб, юқори самарали, амалий ва молекуляр селекцияга асос бўлиб хизмат қиладиган фундаментал натижалар олинган.

ЎзР Фанлар академияси, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.

2. Азимов Д.А., Лановенко Е.Н., Мирабдуллаев И.М., Ҳамраев А.Ш., Шерназаров Э. Ўзбекистон биологик хилма-хиллигини сақлаш стратегияси ва фауна ресурсларидан барқарор фойдаланиш.

Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси ва улардан барқарор фойдаланиш принциплари ишлаб чиқилган, олинган фундаментал натижалар амалиётда самарали фойдаланилган.

ЎзР Фанлар академияси, Зоология институти.

3. Атабаев И.Г., Саидов А.С., Саидов М.С. Янги яримўтказгич қаттиқ қотишмалар ва уларда киришмалар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар.

Қаттиқ қотишмалар ҳосил бўлиш жараёнлари, уларда киришмали фотоэффект ва турли физикавий ҳодисаларнинг яримўтказгич материаллари ва асбоблари хоссаларига таъсири тўғрисидаги тасаввурларни тубдан ўзгартирувчи янги назария яратилган ва амалий натижалар олинган.

ЎзР Фанлар академияси, Физика-техника институти.

4. Аюпов К.С., Баҳодирхонов М.К., Зикриллаев Н.Ф., Илиев Х.М., Эгамбердиев Б.Э. Наноўлчамли структуралар ҳосил қилинган кремнийдаги янги физик ҳодисалар ва улар асосида тубдан янги бўлган функционал электроника асбобларини яратиш.

Янги синф яримўтказгичли материаллар — кристалл ичида наноўлчамли структуралар ҳосил қилинган кремний олиш технологияси яратилган ва тубдан янги физик ҳодисаларнинг қонуниятлари кашф этилган. Янги синф микроэлектроника ва функционал электроника асбоблари яратилган.

ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети.

5. Беглов Б.М., Намозов Ш.С., Раджабов Р., Реймов А.М., Сабоев Ў.Э. Янги азотфосфоркальций таркибли ўғитларнинг юқори самарадор технологиясининг илмий асосларини яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Биринчи маротаба азотфосфоркальций таркибли ўғитларнинг юқори самарадор технологиясининг илмий асослари ишлаб чиқилган ва янги технологиялар амалиётга жорий этилган.

ЎзР Фанлар академияси, Умумий ва ноорганик кимё институти.

6. Джахангиров Ф.Н., Қурбонов Р.Д., Сагдуллаев Ш.Ш., Содиқов А.З., Юнусов С.Ю. Мамлакатимизда янги аритмик таъсирга эга бўлган «Аллапинин» доривор препарати асосларини ишлаб чиқиш ва яратиш, тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш ҳамда йирик ҳажмларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Мамлакатимизда янги антиаритмик таъсирга эга бўлган «Аллапинин» доривор препаратлари яратилган. Саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологияси яратилиб, тиббиёт амалиётига тадбиқ этилган ҳамда уни йирик ҳажмларда ишлаб чиқариш жорий қилинган.

ЎзР Фанлар академияси, С.Ю.Юнусов номидаги ўсимлик моддалари кимёси институти.

7. Мўминов Т.М., Салихбоев У.С., Сафаров А.Н., Скворцов В.В. Электромагнит нурланишнинг гамма диапазонида кўзгудан қайтиш ҳодисасини аниқлаш ва қайд қилиш.

Гамма квантларининг микроскопик текис-ясси сиртда сирпаниш бурчаги градуснинг мингдан бир улушида илгари номаълум бўлган кўзгудан қайтиш ҳодисаси топилган.

ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Амалий физика илмий-тадқиқот институти.

8. Ртвеладзе Э.В. Марказий Осиё тарихи ва маданияти тарихи бўйича илмий ишлар мажмуаси.

Йирик минтақа — Марказий Осиё давлатлари ва цивилизациялари тарихи, Евроосиё материгининг турли мамлакатлари динлари ва маданиятлари ўзаро муносабатларининг долзарб фундаментал муаммоларига бағишланган.

ЎзР Бадиий академияси, Санъатшунослик институти.

9. Содиқова Н., Богославская И.В., Левтеева Л.Г. «Ўзбек миллий кийимлари» (XIX-XX асрлар), «Ўзбек миллий кийимлари ва Ўзбекистон дўппилари» (XIX-XX асрлар) монографиялари.

Ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари ва турмуш тарзи Ўз ифодасини топган анъанавий миллий кийимларга оид маълумотлар келтирилган.

ЎзР Фанлар академияси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи.

10. Салоҳиддинов М.С. «Математик физика тенгламалари» дарслиги.

Дарслик университетларнинг механика-математика факултетлари талабалари учун мўлжалланган. Ундан магистрлар, аспирантлар ва илмий ходимлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

ЎзР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

11. Хоназаров А.А., Юсупов Ш.Т., Новицкий З.Б., Ботман Е.К., Чернова Г.М. Ўзбекистонда экологик вазиятни яхшилаш ва халқ фаровонлигини оширишда ўрмонларнинг тутган ўрни.

Орол денгизининг қуриган ерларида, чўлларда, тоғ ва тоғолди зоналарида ўрмон мелиоратив ишларини олиб боришнинг назарий ва амалий асослари яратилган. Ўрмон дарахтларининг тез ўсувчи турлари бўйича плантациялар барпо этиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалга оширилган.

ЎзР қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Декоратив боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази.

Адабиёт соҳасида:

1. Суюнов Азимбай Алимович (Азим Суюн). «Ватан фасллари» шеърлар ва достонлар тўплами.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

2. Аҳмедов Муҳаммат-Али (Муҳаммад Али). «Улуғ салтанат» тарихий роман-дилогия.

Амир Темур ҳамда унинг фарзандлари Жаҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзо ҳақидаги асар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

3. Абдулҳакимов Матназар (Матназар Абдулҳаким). «Ойдинлик» шеърий тўплами ва «Иккинчи муаллим сабоқлари. Таржимон талқинлари» китоби.

Шеърлар тўплами ҳамда Паҳлавон Маҳмуд ижодига бағишланган китоб.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

4. Шарафиддинов Озод. Истиқлол ва миллий маънавият («Ижодни англаш бахти» ва «Довондаги ўйлар» асарлари мисолида) ижодий иши.

Адабий-публицистик асарлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

5. Мирзаев Мирпўлат. Жаҳон шеъриятидан намуналар: «Сайра, дўмбирам» (2005 й.), «Сомон йўли чечаклари» (2004 й.) тўпламлари.

Хорижий тиллардан ўзбекчага таржималар.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.

Санъат ва меъморчилик соҳасида:

1. Эргашев Анвар Юлдашевич. «Ҳумо» балети.

Романтик балет-эртак.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

2. Бегимқулова Замира Латифовна. «Гулхан атрофидагилар» видеофилми.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси.

3. Давыдов Эдуард Рубенович. «Ўзбекистон дурдоналари», «Хоразмнинг олтин ҳалқаси» телевизион филмлар мажмуаси.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбектелефилм» давлат унитар корхонаси.

4. Исраилов Таджибай Гуламович. Кўп қисмли «Мирзо Улуғбек» телевизион спектакли.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси, «Ўзбектелефилм» корхонаси.

5. Янов-Яновская Наталья Соломоновна.

Мутал Бурхонов ижоди ҳақида монография.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси.

6. Комилова Холида Ҳафизовна. Ўзбек миллий кийими асосида замонавий либослар дизайнининг ривожланиши.

Миллий кийимлар дизайни бўйича ишлар.

Ўзбекистон Бадиий академияси.

7. Умарбеков Жавлат Юсупович. «Болалигимиз ёзи» полиптихи.

115 X 342 ўлчамли расм (мато, мой).

Ўзбекистон Бадиий академияси.

8. Тошкент шаҳрини қуриб қайта тиклаш ва обод қилиш лойиҳалаш институти очиқ акциядорлик жамияти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноси.

Тошкент шаҳри Мустақиллик майдонидаги маъмурий бино.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси.

9. Мусоқов Зулфиқор, Исмоилов Абдураҳим. «Ватан» бадиий филми.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги.

10. Турдимов Шомирза, Камолова Қамара, Абдухаиров Муҳаммад Исо.

«Йўл бўлсин» бадиий филми.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги.

Кенгаш илмий ишлаб-чиқариш бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, илмий-техник жамиятлар, олимлар ва мутахассислар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари, архитекторлар ҳамда кенг жамоатчиликдан танловга қўйилган ишлар ва улар муаллифлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдиришларини сўрайди.

Танловга қўйилган ишлар ва улар муаллифлари ҳақидаги билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар, тақризлар, муҳокама натижалари ва камчиликлар Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича Республика Фанлар академиясига, Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофоти бўйича Маданият ва спорт ишлари вазирлигига юборилиши лозим.

Фан ва техника соҳасида:
100047, Тошкент шаҳри,
Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 320-хона.
Тел.: (371) — 133-59-46.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида:
100129, Тошкент шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 1-қават, 17-хона.
Тел.: (371) — 139-49-57, 144-31-90.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари Кенгаши.

Шоирага шогирдлик ҳам саодат

ЗУЛФИЯ

Шеърий лаҳза

БУ ОҚШОМ

Бу оқшом пориллар дил нурингизда,
Дийдор бахти насиб яна Сиз билан.
Турибман, азизлар, ҳузурингизда
Ҳамон ўтлиғ қўнгил, ёруғ юз билан.

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим — шеър,
Сочимда, чеҳрамда йиллардан нишон.
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она-Ер,
Орзуларим карвон, сарбоним — ишонч.

Ҳамон ота-онам, икки жаҳоним
Азиз ёди аро шикаста, бутман.
Ишқим — алангадир, қордир ҳижроним,
Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.

Иккита кўзимга икки қорачиғ —
Мунисам Ҳулкарим, алпим Омоним,
Ширин набиралар ҳаётдан тортиғ,
Ҳар бири жонига пайванддир жоним.

Номлари, ёдлари пайғамбар монанд,
Ҳазрат устозларим — теран илдизлар,
Мен ундан жон олиб қўкарган дарахт,
Меваси — қалбимдан отилган сўзлар.

Ҳикматлар бағрида дур, марваридим,
Аждодларим менга ифтихор, ғурур.
Шу мавжлардан томган нуқра умидим
Шоира қизларим бахш этган сурур.

Бу назм бағрига киролмас хазон,
Бизни маҳв этолмас завол лашкари,
Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар... бир боғлар бўлади ҳали...

Ҳамон эътиқодим — ҳақиқат, ҳақдир,
Сўзлайман, юзимни тутиб Қаъбага,
Емира олмайди ўткинчи тақдир,
Осуда ўтади руҳим абадга.

Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дориламон, ҳур,
Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.

1995 йил, май.

ҲАДЕМАЙ НАВРЎЗ КЕЛАДИ...

Баҳор. Одамлар севган энг яхши фасл. Азалдан шундай. Қишнинг изғиринли кунларидан, совуқ кечаларидан безганлиги учунми ҳамма баҳорни севиниб қарши олади.

Қор остидан қулоқ чиқарган бойчечакни топиб олган болалар хонадонларга суюнчи сўраб чопишади.

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди...

Бу оламга тириклик бағишлаётган, жамики жонзотларга ризқ-рўз улаша бошлаётган, ҳаётни жонлантираётган фаслнинг мадҳияси, ҳаёт қўшиғи.

Лолачада ишим бор,
ҳей лола,
Киссамда кишмишим бор,
ҳей лола.
Кишмиш бўлса майлига,
ҳей лола-ё,
Қиз болада ишим бор,
ҳей лола.

Умрнинг, ёшнинг ҳисобини бежиз баҳор билан санамайдилар. "Ўн еттига кирди", "Йигирмага тўлди" дейиш ўрнига кўпинча "Ўн етти баҳорни кўрди", "Йигирма баҳорни қаршилади" дейишади. Халқимизнинг бу азалий одати, йил ҳисоби бизда баҳордан бошланганидан дарак беради.

Юртимизга 2007 йилнинг баҳори келди. Бу йил эзгу ният билан "Ижтимоий ҳимоя йили" деб аталди. Инсонни қадрлаш, унинг рўзғорини тўкис қилиш мақсадида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йил қор мўл ёғди. Демак, сув мўл бўлади. Ризқи рўзимизга барака беради.

Ҳадемай Наврўз келади. Деҳқон яхши ният билан ерга кетмон уради. Боғбон ҳосили мўл бўлсин дея мевали дарахт кўчатини экади. Мамлакатимизнинг турли гўшаларида кўклам ҳашарлари бошланади. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган юртдошларимиз меҳнатга бел боғлайди. Табиат билан инсон бир-бирининг кўнглини олишга интилади.

Навбаҳор, очилди гуллар,
сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик келинглар,
жўралар, ўртоғлар.

Кунга тескай томонларда ҳали қор кетмаган бўлса-да, Қуёш ерни қиздирмоқда, далалар сергимоқда. Майсалар кўкарган қирларда эндигина дунёга келган қўзичоқлар сурувга қўшилмоқда. Аёллар шу тобда бузоқлаган сигирлар сутидан гилагай қилишмоқда. Юрагида орзулари тўлиб-тошган болалар варракларини осмонга учиришга шай. Уларнинг тасаввурлари варраклардан ҳам баланд учади.

Мана шундай гўзал тараддудлардан шодмон бўлган, Юртим, Баҳоринг муборак бўлсин!

Эзгу ниятлари кўклам каби гуллаб-яшнаган элдошларимнинг тилаги амал бўлсин.

Рустам МУСУРМОН

Газетамиз обуначилари йилнинг дастлабки икки ойи ичида 900 кишига кўпайди.

Севимли ҳафталигингизга обунани исталган пайтда расмийлаштиришингиз мумкин. Бу ишни ойнинг ўнинчи кунигача амалга оширсангиз, келаси ойдан бошлаб хонадонингизга кириб борамиз ва сизни гўзаллик ва маънавият оламига бошлаймиз.

Бизга сафардош бўлганларга бошқаларнинг ҳаваси келсин!

САҲРОДА ОЛМАЛАР ГУЛЛАСА ЁМОНМИ?

Ёки эски лойиҳага янгича назар

Ниҳоят, орадан йигирма йиллар чамаси вақт ўтгач, Россия оммавий-ахборот воситалари Сибир дарёларини Марказий Осиёга оқизиш лойиҳаси ҳақида андак қимтиниб бўлса-да, умидбахш дадилларни ёзабошлади. Москва шаҳри мэри Юрий Лужков ўтган асрнинг охирларида танқидга учраган ва номаълум муддатга тўхтатиб қўйилган мазкур лойиҳани эслаб, изланишни давом эттириш зарурлигини гапириб қолди.

Юрий Лужков, бунда биринчидан, Россия манфаатларидан келиб чиқиб, дарё соҳилларидаги шаҳар-қишлоқларни сув босишидан сақлашни назарда тутган бўлса, иккинчидан, ана шу сувни Марказий Осиё республикаларига сотиб даромад олиш мумкинлигини ҳам яширмади.

"Аргументы и факты" ҳафталиги эса ўтган йилги 42-сонида Қозоғистон раҳбарияти ҳам мазкур масалани қўзғаганлигини баён этди. Бу ҳам табиий ҳол, албатта: Сибир сувларини ортга оқизиш, энг аввало, бепоён қозоқ даштларига обиҳаёт олиб келади.

Бу ўринда, андак орқага чекиниб, қарийб унутилаёзган мазкур лойиҳа ва унинг тақдири ҳақида сўз юритиш лозим деб ўйлайман.

Сибир дарёларини жанубга оқизиш ғоялари, аслида XIX асрда куртак отган эди. Рус олимлари бу лойиҳанинг бир неча вариантларини ишлашган. Аммо фақат XX асрнинг етмишинчи йилларига келиб, ана шу серқўлам ҳужжат устида давлат миқёсида иш бошланиб кетди. Лойиҳа ҳали охирига етмасданоқ, канал аср қурилиши, деб ном олди ва унинг устида ўнлаб вазирликлар, илмий-тадқиқот институтлари ишни авж олдириб юбордилар. Саксонинчи йилларнинг ўрталарига келиб, лойиҳа тайёр бўлди ва жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида хизмат қилган пайтларим, бизнинг жамоада ҳам лойиҳа қайта-қайта кўриб чиқилгани ёдимда. Муҳокама жараёнида мутахассислар, олимлар ва ҳатто ёзувчи, журналистлар ҳам бу маҳобатли қурилишга андак шубҳа, иккиланиш билан қараганлари кўпчиликка аён, ва негадир, қувваи ҳофизаси етган-етмаган, аниқроғи, тиши ўтган-ўтмаган ундан қусур топишга ҳаракат қиларди. Йўқ, бу фақат ўзлигини намоён қилиш истаги эмасди; лойиҳа моҳиятини идрок этолмаслик устига, собиқ иттифоқда ижтимоий-иқтисодий тангликларнинг бошланганлиги ва булар нима билан тугаши мавҳумлиги оқибати ҳам эди бу.

Мана, орадан йигирма йил ўтди: тузум ўзгарди, дунёқарашларимизда инқилобий ўзгаришлар содир бўлди. Энди мазкур лойиҳага ўзгача нигоҳ билан, аниқроғи ўз манфаатларимиз ва бугунги ҳамда келажак авлод нуқтаи-назаридан қарашимиз, баҳо беришимизга тўғри келади.

Лойиҳа ҳақида тасаввурга эга бўлишингиз учун ёдимда қолган факт-рақамларни келтирсам. Канал магистрал ўқининг узунлиги 2250 километр, чуқурлиги ўрта ҳисобда 16, эни эса 200 метр бўлиши кўзда тутилганди. Ана шу рақамларнинг ўзи ҳам унинг нақадар маҳобатли эканлигидан далолат бериб турибди. Канални чамаси беш йил давомида қуриб битказиш кўзда тутилган бўлиб, унинг харажатлари ўша йиллар баҳосида бир неча миллион долларни ташкил этарди. Лойиҳага кўра, канал Об дарёсининг икки нуқтасидан сув олиб, улкан насослар воситасида жанубга — Орол бўйлари томон оқизилиши керак эди. Каналнинг сув сиғими йил фасларига қараб, ўрта ҳисобда секундига 2000 кубометрдан кўпроқ бўлади. Бу миқдор Сирдарё сувига тенг келади.

Канал Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти ҳудудида Сирдарё билан кесишиши ва бир қисм сувини дарёга ташлаши, кейин эса сарҳадсиз Қизилқумдан ўтиб, Хоразмга яқин жойда Амударёга қуйилиши кўзда тутилганди.

Лойиҳанинг таъриф-тавсиф ва шарҳларида иншоотни бунёд этишдан мўлдао саҳро қўйнида пахта етиштириш билан шуғулланадиган янги хўжаликлар, туман ва вилоятлар ташкил этишдан иборатлиги баён этилгандики — бу, кўпчиликнинг дилига ўтиришмас, чунки ўзимизда ҳам пахта яккаҳокимлигига қарши кураш бораётган ва Оролни қутқариш энг муҳим муаммога айланган кунлар эди.

Тўғри, янги каналдан асосий муддао кун сайин саёзланиб ва қуриб бораётган Орол денгизини тўлдириш эмасди. Аммо инсоф билан айтганда, қирғоғидан қочаётган денгизга куз-қиш ва баҳор ойларида катта миқдорда сув ташлаш имкони юзага келарди, қатор муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўларди. Мазкур муаммоларнинг эса мазмун-моҳияти жиҳатидан глобал аҳамиятга эгалигини тан олмаслик ноўрин бўларди.

Улардан айримларини санаб ўтмоқчиман. Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш имкони юзага келарди. Бизнинг авлод, айнан ана шу ҳудудлардаги оби ҳаёт таркибида туз ва бошқа минераллар миқдорини ошириб юборишга сабабчи бўлди. Об суви шарофати билан у ана шу туз миқдорини меъёрга, солиб келажак авлод олдидаги гуноҳларимизни камайтирган бўлардик. Ўзбекистонимизда экологик хавфли худудлар сони биттага камаярдики, бунинг савоби оламга етгуликдир. Ва ниҳоят, Орол сувини маълум меъёрда тутиб туриш мумкин бўларди.

Сўнгги йилларда, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Оролбўйи экологиясини, бу ҳудуддаги аҳоли турмуш тарзини, тиббий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Аммо тоза сувнинг етарли даражада келиши ана шу эзгуликлар кўламини юз чандон оширишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Каналнинг шарофати фақат шулар билан чекланмасди, албатта. Келинг, тағин Қизилқумга қайтайлик. Сиз бу саҳрода қум барханларининг муттасил кўчиб юришни кузатганмисиз? Ёзда ҳарорат 45 даражадан ҳам ошиб кетишини биласизми? Мазкур саҳро Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон республикаларини бирлаштириб турадиган ҳудуд бўлиб, унинг бағрига Европадаги бир неча мамлакатларни жойлаштириш мумкин. Кўз илғамас чексизликларга фақат сув керак. Россияда эса қишлоқ ва шаҳарларни сув босаяпти.

Хўш, инсоннинг саҳрога сув чиқазишдек эзгу амали, энг аввало, табиат хатосини тузатиш эмасми? Шу қақроқ саҳрода олмалар гулласа, райҳон ифор таратса, босволдилар болга тўлиб ёрилса, пахта хирмонлари қад кўтарса, бунинг нимаси ёмон?

Шоирона эҳтиросларга берилиб кетдим, чамаси. Ҳар қандай вазиятда ҳам қўлда ҳужжат билан гапирган, тарози посангиси масаласида қаллоблик қилмаган маъқул. Инсоннинг табиат ишига ножўя аралашиб, унинг мувозанатини бузиб қўйган ва оқибатда нохуш кўргиликлар юз берганлиги ҳақида ҳам ўнлаб мисоллар келтириш мумкин.

Келинг, тағин лойиҳага мурожаат қилайлик. Каналнинг бир неча нуқталарида насос станциялари ва уларга қувват берадиган электр станциялар, икки томонда кенг асфалт кўча, посёлкалар қуриш мўлжалланганди. Бу дастлабки босқичда, албатта. Кейин бу қишлоқлар кенгайиб шаҳарларга, туман ва вилоят марказларига айланиши қаромат қилинганди.

Ахир, сув бўлса, қуёш ҳимматини аямаса, Марказий Осиёда ишчи кучи етарлича бўлса... Тағин нима муаммо? Биз ўзбекистонликлар янги ерларни боғ-роғга айлантиришнинг кифтини келтиришимизга дунё гувоҳ.

Хўш, шундай улуғвор ва эзгу иш нечун амалга ошмай қолди? Эҳтимол, унинг биз англамаётган бирор иллати бордир? Бу хусусда, юқорида қисман тўхталган эдим. Унга қўшимча қилиб шуларни ҳам айтишим керакки, лойиҳадан амалий ишга ўтиш жараёнида бир гуруҳ рус зиёлилари, айниқса, табиатшунослари мазкур қурилишга рўй-рост қарши чиқдилар ва бугун орадан йигирма йиллар ўтиб, уларни ҳам айблашга асосимиз йўқ. Рус публицист-ёзувчиси Сергей Залигиннинг матбуотдаги чиқишлари кутилмаган мунозараларга сабаб бўлди ва охир-оқибатда аср қурилишига нуқта қўйди, десак, янглишмаган бўламиз. Бу улкан иншоот Россия ўрмонлари, ўтлоқлари, қишлоқларини хоку туроб қилади, унинг табиатига мислсиз зарар етказади, дейишди улар. Аслини олганда эса, бу даъволар остида "Дарёларимиз сувини ҳеч кимга бермаймиз", деган анча худбин кайфият ҳам бор эдики, буни энг аввало, ўша нотинч кунларнинг нуқси десак тўғри бўлади. Шўниси қизиқ бўлдики, бунга биздаги айрим олимлар, мутахассислар ҳам қўшилдилар. "Марказий Осиёга бир Сирдарё суви келадиган бўлса, бу ердаги ҳарорат кескин тушиб кетади, пахта пишмай қолади", деб ёзишди улар. "Саҳро саҳролигича қолиши керак. Уни ўзлаштириш табиат мутаносиблигини бузиш бўлади ва бу нохуш оқибатларга олиб келмайдими?", дейишди бошқа бир даврадагилар.

Аслини олганда эса, лойиҳа ҳужжатларида бу саволларнинг барига олдиндан жавоб тайёрлаб қўйилганди; ошкоралик жўмраклари анчайин кескин очилгани сабаб, уларни чуқурроқ ўрганмай, фикр билдиришга шошиладиганлар сони кўпайганди, холос. Масалан, янги каналнинг бўлажак ҳавзасида ҳарорат ҳозир бошқа ҳудудларга нисбатан 3-4 даража иссиқлиги сир эмас; чунки қум барханлари ҳароратнинг кўтарилишига сабаб бўлаяпти. Сув келгач, ҳарорат андак тушиб, республикамизнинг ўрта минтақалар сингари мўътадиллашиши аниқ эди. Ёки чўлу саҳроларни ўзлаштириш масаласини олайлик. Халқимиз кучи ва иродаси билан азим Мирзачўл ўзлаштирилди. Бундан инсоният нима зарар кўрди? Табиат-чи? Ахир, сув келган ҳар қандай манзилда, энг аввало, табиат яшнайди-ку. Тупроқ шамол эрозиясига учрамайди, ўт-ўланлар ўсади, жониворлар кўпаяди ва ҳоказо.

Улкан канал ишга тушгач, ундан ўнлаб шохобчалар чиқариш ва қўшни туман, вилоятларимизни ҳам сув билан таъминлаш имкони юзага келишини назардан қочирмаслик керак, албатта. Майли, дўстингнинг хатоларини ҳам сев, деган экан бир донишманд. Ақлу идрокдан бенасиб одамларгина хато қилмайдилар. Шунга кўра эътироф этиш зарурки, лойиҳага қарши жамоатчилик фикрини шакллантирган адиб ва экологлар, биринчидан, канал суви Қизилқумга сингиб кетиб, янгидан-янги ботқоқликлар пайдо бўлиши ва манзилга тўкис етиб бормаслиги хавфидан ҳам огоҳ этдилар. Лойиҳада бу тахминга жавоб йўқ эди. Чунки канални бетонлаштириш кўзда тутилмаганди. Мутасаддилар мазкур тахмин қаршисида иккиланиб турганда, Залигин иккинчи муҳим бир масалани ўртага ташладики, бу ҳақда жиддий бош қотиришга тўғри келарди. Зеро, орадан йигирма йиллар ўтиб ҳам бу муаммони ҳал этиш илинжида қадам қўйилмаганлиги ачинарли ҳол, албатта.

Муаллиф Марказий Осиёда сув етарли эканини, лекин ана шу бойлик хўжасизларча исроф қилинаётганини, агар тежаб-тергаб фойдаланилса, янги каналга ҳожат йўқлигини ёзиб, талай мисоллар ҳам келтирди. Тан олмоқ керак, бу даъвога қарши бирор нарса дейиш қийин. Кўпгина мамлакатларда киши бошига бир кеча-кундузда 200 литр сув сарфланади. Жуда кўп-ку, дерсиз. Бир кунда одам, борингки, беш литр сув ичсин, ювиниш учун ҳам 20 литр сарфласин, кир-чирга ҳам кўпи билан шунча кетар, хуллас 100 литри етиб ортадигандай. Аммо бизнинг республикамизда бу миқдор 300 литрдан ошишидан бехабар бўлишингиз мумкин. Бунда биз куни билан жўмраги очиб қўйиладиган кранларни, ичимлик суви томорқаларга оқизилаётганини ва бошқа исрофгарчиликларни айтаётганимиз йўқ.

Қишлоқ хўжалигидаги сув сарфини, аниқроғи исрофгарчилигини айтмай қўяқолай. Бир пайтлар Миссисипи штатида яшайдиган пахтакор фермер Фред Баллард тажрибасини ўқиган эдим. У чигитни 75 сантиметрли қатор ораларига қадайди. Жўяклар остида эса азбест қувурлар кўмилган. Сув ана шу қувурлар орқали берилади. Нам тагдан сизиб чиққанлиги сабаб, бу далаларда жўяк олиш, ўғитлаш, культивацияга ҳожат қолмайди. Минерал ўғитни ҳам қувурлардаги сув билан оқизишади. Шу усул билан сув сарфини биздагига нисбатан 15 баравар кам ишлатади. Олтинга тенг оби ҳаётнинг ҳар томчисини тежайди. У гектаридан 16-18 центнер тола олади: буни пахтага айлантирадиган бўлсак эллик центнерни ташкил этади. Мазкур штатда айрим фермерлар ёмғирлатиб суғоришга ҳам ўтиб олишганки, бу алоҳида суҳбатга мавзу. Чунки мазкур тажрибаларга ҳамду сано ўқишим, айни дамда, асосий мақсад-муддаога зид бўлиб, каминани беқарор оғмачига чиқариб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Зеро, ҳозир бунинг мавриди ҳам эмас!

Шуларнинг барига қарамай, мен Сибир сувлари бизгача етиб келиши тарафдори эдим ва шу фикримда қоламан! Бунинг учун, энг аввало, лойиҳа (гарчанд, у ўз вақтида керагидан кўпроқ муҳокама этилган бўлса ҳамки) янги нуқтаи назарлар, замонавий стандартлар асосида қайтадан кўздан кечирилиши шарт. Евроосиё миқёсида ҳужжатларни мувофиқлаштириш, каналнинг қумликлардан ўтадиган қисмини бетонлаштириш, параллел тарзда янги ерларни ўзлаштириш, масаланинг молиявий томонларини ҳал қилиш, ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш... Эҳ-ҳе, битмастуганмас юмушлар. Бу улкан сунъий дарё нафақат бизнинг юртимиз, инчунин қўшни мамлакатлар чиройини ҳам батамом очиб юборишига ишонаман.

Каминани хаёлпарастликда айбламанг-у, Қизилқум бағридаги сув ҳавзалари — шовуллаб ётган боғ-роғларни биз кўрмасак, келажак авлодлар кўришини том маънода ҳис қилиб турибман. Бу борадаги фикрларим нисбийлигини ҳам биламан ва муҳтарам газетхонлар ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишларини истайман. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ўшанда ҳам ҳар иккала томоннинг фикрларини дадил эълон қилгани ёдимда. Таҳририят бу анъанани давом эттиришидан умидвор бўлиб қоламан.

Нусрат РАҲМАТ

ОЛИСДАГИ ...СУВ

Бир мавзуда икки фикр

У бизнинг муаммоларимизни ҳал этадими?

КОСА ТАГИДАГИ "НИМКОСА"

Ҳурматли Нусрат ака!

Сиз бир вақтлар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида Сибир дарёлари сувини Марказий Осиёга оқизиш лойиҳаси муҳокама қилинишида иштирок этганингиз каби, камина ҳам ўша кезлари мазкур лойиҳани рўёбга чиқаришга жалб этилган нуфузли сув хўжалиги идораси раҳбари билан газетамиз саҳифаларида суҳбат қилганим эсимда. Ўшанда сизу биз эмас, жуда кўпчилик бу лойиҳа амалга ошса, кечикиброқ бўлса ҳам Орол муаммосини ҳал этади, деб ўйлашган. Бироқ кейинроқ маълум бўлдики, Сибир сувларининг бир қисмини тобора қуриб бораётган денгизни асраб қолиш учун эмас, иложи борича уни тезроқ қуритиб, очилиб қолган ерларга ҳам пахта экиш учун Марказий Осиёга буриш кўзда тутилаётган экан. Бу сир "Орол — 88" илмий экспедицияси чоғи фош бўлган, унинг харитаси Қизилўрда ва Москвада олимлару адиблар иштирокидаги анжуманларда жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинганди.

Демак, ўша лойиҳанинг барбод бўлишига унинг керагидан ортиқ муҳокама этилгани ёхуд Сергей Залигин каби адиб ва экологларнинг қарши турганигина эмас, "коса тагидаги нимкоса", яъни Оролни ўлимга маҳкум этиб, неча-неча миллион аҳоли истиқомат қилаётган ҳудуд экологик фожиага юз туттирилгани ҳам сабабдир, десак тўғрироқ бўлади. Чунки мазкур лойиҳа бошида ҳам, Оролнинг қуриган жойларига пахта ва шоли экишни режалаштирганлар тепасида ҳам бир ташкилот — собиқ иттифоқ Сув хўжалиги вазирлигининг ҳукуматдан миллиард-миллиард маблағларни ундириш ва бу маблағни турли важкарсонлар билан талон-торож қилишга устаси фаранг бўлган бир гуруҳ нафси наҳанглари тургани ошкор бўлиб қолган эди. Собиқ иттифоқ шу каби таваккалчилик билан тузилган самараси ноаниқ улкан лойиҳалар, ҳарбий истеҳкомлар қуришга маҳлиё бўлган ўша кезларда Ўзбекистон каби азал-азалдан ер-сув асосида деҳқончилик қилишга ихтисослашган республикалар аҳоли жон бошига гўшт-сут ва мева-чева истеъмол қилиш миқдори бўйича энг охирги ўринлардан бирига тушиб қолгани ҳам мана шу ғирром сиёсат билан боғлиқ эди.

Таваккалчилик, дедик. Фикримиз исботсиз бўлмаслиги учун эътиборингизни бир манзарага жалб этмоқчиман. Камина 1991 йилнинг 14-20 август кунлари Молдовада чиқадиган "Ана сўзу" газетаси юбилейи муносабати билан гагауз журналистлари таклифига кўра Бессарабия ҳудудларида бўлган эдим. Ўшанда "Гагауз ери"нинг кўп жойларида сувсиз ётган бетон каналлар ва «Дунайводстрой» деган ёзувларга кўзимиз тушганди. Маълум бўлишича, Молдованинг, Гагауз ерларининг табиий ҳолда ҳам мўл ҳосил бераётган лалми деҳқончилигидан қаноатланмаган собиқ иттифоқ тўралари бу жойларда суғорма деҳқончиликни йўлга қўйиш учун Дунай дарёсининг беминнат сувидан фойдаланиш лойиҳаларини тузишган экан. Шу мақсадда қанчадан-қанча маблағлар сарф этилиб, юзлаб километрлик улкан каналлар қурилибди. Сув очилгач эса, энг унумдор ерлар шўрлаб кета бошлабди. Чунки дарёларни дуч келган томонга буриб, катта-катта маблағларни кўкка совуриш машқини олган шоввозлар канал битгунга қадар ҳам Дунай суви суғориш мақсадларига нечоғлик тўғри келиш-келмаслигини ўрганиб кўрмаган эканлар. Шу боис хориждан валютага келтирилган ноёб техника ускуналари дуч келган жойда сочилиб ётарди.

Буларни айтишдан мақсад шуки, икки ярим минг километрлик масофа — чўлу саҳро, турли конлар атрофидан ўтадиган Об канали суви таркиби ва тозалик даражасига кўра бизга қай ҳолда етиб келиши номаълум. Бу сув билан деҳқончилик қилиш мумкинлиги ўз исботини топганми? Ишончим комилки, сиз мақолангизда лойиҳанинг камчилиги сифатида тилга олган — саҳродан ўтган канал сувининг қумларга сингиб, ҳамма ёқни қўлу ботқоқликка айлантириб юбориши лойиҳачилар томонидан ҳисобга олинмагани каби минглаб километрдан оқиб келадиган бу сув деҳқончиликка нечоғли яроқли бўлиш-бўлмаслиги ҳам ўрганилмаган. Бинобарин, унинг ичимлик сув сифатидаги тозалик даражаси ҳақида ҳам олдиндан бир нарса дейиш қийин.

Ўзанлари бетонланмаган канал саҳроларда ботқоқликлар ҳосил қилиши мумкинлиги юзасидан сиз айтган фикрларга яна шуни ҳам қўшимча қилмоқчиманки, бу манзарани биз ҳозирнинг ўзида Қорақум канали мисолида рўй-рост кўриб турибмиз. Амударёнинг катта миқдордаги сувини ютиб юбораётган бу канал бошланишидан то асосий ўзанига тушгунча бир неча квадрат километр кенгликни — Айдаркўл билан тенглашадиган катта ҳудудларни сувга бостириб, қанчадан-қанча қимматбаҳо сувнинг қумга сизиб, беҳуда исроф бўлишига олиб келмоқда. Образли қилиб айтадиган бўлсак, дарёдан олинаётган минг челак сувнинг ярми ҳам асосий ўзанга тушаётгани йўқ... Сиз эътироф этаётган Об канали трассасида ҳам тоғдай-тоғдай келадиган қум барханлари орасида шундай кратерсимон чуқурликлар мавжудки, янги канал сувининг ҳаммасини очиб қўйсангиз ҳам улар асло тўлмайди... Токи шундай экан, яна бир Қорақум каналига ҳожат бормикан?

Ер юзида ичимлик суви тўлиб-тошиб ётгани йўқ. Шу боис бутун жаҳонда ва хусусан Ўзбекистонда ҳам уни тежаб сарфлаш юзасидан муҳим дастурлар амалга оширилмоқда. Бугунги тараққиёт шуни кўрсатмоқдаки, бугун, эртага, келажакда ичимлик сув муаммоси билан жиддий шуғулланишимизга тўғри келади. Шунинг учун биз ҳозирданоқ уйимиздаги қувурларга беминнат келиб турган қимматбаҳо обиҳаётнинг ҳар қатрасини тежаб ишлатиш машқини олмоғимиз ва фарзанду набираларимизни ҳам оқар сувни кўз қорачиғидек сақлашга ўргатмоғимиз зарур.

СУВ ҲАМ АЛЛОҲНИНГ НЕМАТИ-КУ!

Ҳурматли Нусрат ака! Сиз, эндиликда мазкур лойиҳага янгича нигоҳ билан қараб, Сибир сувларидан жаннатмакон юртимизнинг чўлу саҳроларини янада обод қилиш мақсадида фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деган нуқтаи назарни илгари сурмоқдасиз. Фикрингизга қўшилувчилар кўп. Бироқ лойиҳага шу мақсадда ёндошганда ҳам қатор муаммолар келиб чиқаётгани қизиқ. Биринчидан, жаноб Лужков Сибир дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиё томон оқизиб, фақат ер ўзлаштириш, одамларни ишли ва уйли-жойли қилиш, Осиёнинг беминнат қуёши тафтида пишадиган мўл-кўл неъматлар етиштиришга биз ҳам ҳисса қўшайлик, деяётгани йўқ. У Сибирнинг сувини ҳам худди газ ва нефт сингари сотиб, ундан катта даромад олайлик, демоқда. Тўғри, нефт ва газни сотиб даромад олишни бир қадар тушуниш мумкин: чунки, конларни қидириб топиш, ёнилғини ер остидан юзага чиқариш ва улкан корхоналар қуриб уни тозалаш ҳамда магистрал қувурлар қуриб, истеъмолчига етказиб бериш ишлари учун ҳам каттакатта харажатлар талаб қилинади. Эҳтимол, сувни ҳам шу каби бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга етказиб бериш учун канал ва улкан насос станциялари қуриш ва уларнинг эксплуатация харажатларини ниманингдир ҳисобига қоплашга тўғри келар. Бироқ жаноб Лужковнинг бу гапидан илҳомланган баъзи сиёсатдонлар ҳозирданоқ табиатнинг буюк инъоми бўлган обиҳаётни товарга айлантириб сотишни таклиф этмоқдалар. Шу мақсадда қандайдир корпорациялар тузилмоқда. Инсоният пайдо бўлмасидан ҳам бурун дарёлардан ўз ҳолича оқиб ётган Аллоҳнинг бу беминнат неъматини пуллашни ўйлаш гуноҳи азим эмасми? Бунга нима дейсиз?!

Бу ҳақда ўйлаганда, жаноб Лужковнинг Сибир сувларини Марказий Осиёга оқизиш тўғрисидаги эски лойиҳага доир "янги" гаплари аслида **"сувни товарга айлантириш"** ғоясини олға суриш учунгина айтилмадимикин, деган ўй ҳам келади хаёлга.

Сибир дарёлари суви сотиладиган бўлса, уни харид қилишга кетадиган маблағларни, сиз мақолангизни бир ўрнида жуда топиб айтганинигиздай, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш имконини берувчи технологияларни қўллашга сарф этсак, ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмайдими? Ахир халқимиз: "икки ўн беш — бир ўттиз" деб бежиз айтмайди-ку!

Сувдан тежамли фойдаланиш усуллари ҳозир бутун дунёда урф бўлмоқда. Бу борада Исроил технологияси ҳаммага қўл келаётир. Исроилликлар томчилатиб суғориш усулини қўллаш орқали қуриб битаёзган бир неча ўлик дарёларига қайтадан ҳаёт бағишладилар. Уларнинг соҳилларида бир неча минг гектарлик курортбоп истироҳат боғлари вужудга келган. Бу тажриба ҳозир ҳамма жойга кенг ёйилмоқда. Муаммо шундаки, бу технологияни бизда қўллаш маълум харажатларни тақозо этади. Биз бугун бўлмагани билан, барибир, эртага, сиз ўз мақолангизда келтирган миссисипилик фермер Фред Баллардннинг пахтазори ёхуд Исроил экинзорларида бўлгани каби сувдан тежаб фойдаланиш имконини берувчи замонавий усулларни қўллашга ўтамиз. Бу ишда фермер деҳқонларимиз оғирини енгил қилиши мумкин бўлган жиҳат шундаки, томчилатиб ёки ер остидан суғориш усулларини қўллаш учун зарур бўлган қимматбаҳо пластмасса қувурларни эндиликда хориждан сотиб олишга зарурат қолмади. "Шўртангаз" кимё мажмуи буюртмага қараб бундай қувурлардан исталган миқдорда тайёрлаб бериши мумкин. Боз устига шундай замонавий газ-кимё комплексларидан яна бирини Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Аслида сувни экинларга томчилатиб беришга доир Исроил технологияси ҳам ўз ота-боболаримизнинг минг йиллик ҳаётий тажрибаларидан олинган. Сувсиз жойдаги дарахт тагига сув тўлдирилган сопол кўзачани салгина тешиб кўмиб қўйиш бизда азал-азалдан бор. Бугунги кунда эса баъзи деҳқонлар ҳатто помидор-бодрингдай сувталаб экинларни ҳам пластмаса идишларга шу усулда сув тўлдириб қўйиб, ёз жазирамасидан сақлаб қолишмоқда. Халқимизнинг азалий анъаналари бошқа жойларда мана шундай қадр топаётган экан, бунга фақат тасанно деймиз, холос.

ТАХТИҚОРАЧАДАГИ СУНЪИЙ ЎРМОН

Самарқанддан Тахтиқорача довонига кўтарилишда Омонқўтон чашмаси юқорисида бир гўзал манзара бор. Ургут тоғларининг ўша ёнбағрини қишинёзин кўм-кўк ўрмон қоплаб ётади. Ёши юз-юз ўттиз йиллик чинору қайрағоч, тоғ арчаларидан тортиб, олис шимол қайину бутларига қадар ўсади. Тоғ ёнбағрининг фақат шу жойидагина ҳудуди минг гектардан кўпроқ қуюқ ўрмон бору бошқа жойлар яйдоқ. Шунинг учун ҳам Омонқўтон чашмаси ўрмонзор бағридан сизиб чиққан ойна кўзли булоқлардан баҳраманд. Бир гал таниқли ўрмоншунос олим Абдухалил Қаюмов билан шу жойдан ўтаётганимизда бунинг сирини сўраб қолдим: "Нега тоғнинг фақат бир жойида ўрмон сақланиб қолган-у, бошқа ёнбағирлар тап-тақир бўлиб ётибди?"

— Бу табиий эмас, инсон қўли билан барпо қилинган ўрмон...

— Наҳотки, шундай асрий ўрмонни сунъий равишда бунёд этиб бўлса?!

— Ҳа, ишонаверинг. Бу ўрмон XIX асрнинг сўнгги чорагида таниқли рус ўрмоншуноси Николай Королков томонидан барпо этилган. Ўшанда чор истилочилари босиб олган ҳудудлари қиёфасини ўзгартириш, шимол дарахтларини экиб кўпайтириш учун илмий тадқиқотларга катта маблағ ажратган, машҳур ботаник олимларни жалб этган. Бу ўрмон ўша олимдан ёдгорлик...

Демак, Марказий Осиё тоғликларининг бошқа ҳудудларини ҳам шундай сунъий ўрмонзорларга буркаш мумкин экан-да. Шу ҳақда ўйлаганда, ўрмон ва яшил бойликлари кўплиги жиҳатидан дунёда энг юқори ўринда турувчи Япония кўз олдимизга келади. Бу мамлакат ҳудудининг етмиш фоизи асрий ўрмон, бутазор, инсон қўли билан барпо этилган ва асраб-авайланадиган яшил бойликлардан иборат. Японлар дов-дарахтга худди инсонга қарагандек ғамхўрлик қилишади. Уларнинг жаҳонда энг умрзоқ одамлар экани ҳам бежиз эмас, шекилли.

Корея мамлакати эса ҳудудига нисбатан ўрмонлари кўплиги жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Японлару корейслар ўз эҳтиёжи учун ташқи дунёдан ёғоч маҳсулотлари олса оладики, асло энг катта миллий бойлигини шимол ўрмонлари каби қийратиб, кулини кўкка совурмайдилар. Кореяда одамлар дов-дарахтларни асрашга шахсий ишидек қарашар экан. Болалар ёшлигидан шу руҳда тарбияланади. Дарахтни ўзбошимчалик билан кесиш фақат бир марта — 1997 йилда содир бўлган... Дов-дарахт ва гербарий уруғлари банки ҳам ақлни лол қилади. Жаҳоннинг турли минтақаларида ўсувчи бир миллион турдан ортиқ дарахт, гул, ноёб гиёҳлар уруғи улар ўсадиган жойнинг иқлим шароитлари яратилган ҳолда асралади. Миллионлаб гектар игна баргли ва бошқа дарахтлар, юзлаб навдаги бутали ўсимликлар ўсадиган ўрмонзорларга қараб туриш учун саноқли одамларгина ажратилган, холос. Улар ҳамма ишга улгуришади. Чунки техника билан таъминланиш даражаси юқори, ўрмончиларга яратилган шароитларга ҳавас қиласиз. Уларнинг тоғлар юқорисидаги хонадонларига обод йўллар, иссиқ-совуқ сув, электр узатиш тармоқларигача олиб борилган. Қўлида доривор ва шприц кўтарган дарахт даволовчи оқ халатли биолог-шифокорларгача бор. Қишлоқ ҳудудларидаги Ўрмончилик институтида эса қирқ минг турдан ортиқ дов-дарахт экиб кўпайтирилади ва мутаҳассис тайёрланади...

Яшил бойликларга бундай муносабат бежиз эмас, албатта. Одил Ёқубовнинг "Диёнат" романи қаҳрамони Нормурод Шомуродов айтганидек, "Арча... минг йил умр кўради. Тоғу тошларни емирилишдан асрайди! Ҳавони мусаффо қилади. Қишда қор йиғиб, булоқларни сувга тўлдиради... Агар ҳамма тоғ ва адирлар қадим-қадимлардагидек яна арча билан қопланса... дарёлар бурунгидай тўлиб оқажак, сув яна сероб бўлажак".

Ҳурматли Нусрат ака, тарихдан яхши маълумки, ўтмишда барча тоғларимиз Тахтиқорача довонидаги каби қалин ўрмонларга бой бўлган. Улар табиатни яшнатган, булоқлару ирмоқларни обиҳаёт билан таъминлаб, дарёларни сершув қилган. Чунки, дов-дарахтли, ўрмони кўп жойларга ёғин-сочин одатдагидан кўп ёғади ва буни физиклар ҳам тасдиқлашади. Бугун эса юртимиз ҳудудининг атиги тўрт фоизидагина ўрмонлар сақланиб қолган. Шундай экан, деҳқончилик равнақи учун узоқдан сув келтиришга ва уни сотиб олишга кетадиган маблағ ҳамда ишчи кучларини Тахтиқорача ва Оқтошдаги каби сунъий ўрмонзорлар яратишга сарф этиш тўғрироқ бўлмайдими? Ўрмон эса қўшимча сув демакдир. Бу — олимларнинг кўп йиллик тажрибаларида ўз исботини топган.

Бинобарин, ҳозирча "олисдаги қуйруқ" бўлиб кўринаётган Сибир сувларига кўз тикиб ўтирмай, ўз сувимиздан тежаб фойдаланиш ва юртимиз тоғларини ўрмонларга буркаб, беминнат обиҳаётимизни кўпайтириш йўлидан борганимиз, назаримда, анчайин мақсадга мувофиқ кўринади.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

ДЎРМОНДА БАҲОР

С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Бу йил Дўрмонда ажиб бир қиш бўлди-да. Асли, Тошкентда биров қаттиқроқ йўталса, эшитиладиган жой, аммо об-ҳавоси сира ўхшамайди. Шаҳарда айни саратон пайти Дўрмонда гирғир шабада эсади, ўрик, шафтоли икки ҳафта кеч гулга киради.

Ўтган йили Дўрмон боғларида мева мўл бўлди. Дастлаб Балх тути, кейин эртанги гилос, ёзги олма, кейинроқ турфа хил ўриклар бирин-кетин пишиб етилди. Меҳмону измон, бола-чақа, қушни маҳаллаларнинг эрта азонда уйқуси қочадиган вакилу вакилалари, уста болалар бир тўйишди, бир тўйишди. Ҳай, нима бўлганда ҳам, кўпчиликнинг оғзи тегди, шуниси яхши бўлди. Еганки одам, ичида бўлсин, экканга-тиккانга раҳмат дейди-ку, ахир.

Боғ дегани шундоққи, ҳар куни, ҳар соатда қараб, хабар олиб турмасангиз бўлмайди. Ҳар туп дарахт тагига ишлов бериш, атрофини юмшатиш, вақтида суғориш лозим. Баҳорда, қишда аямай буташ керак. Қариб, умрини яшаб бўлганлари ўрнига янги ниҳоллар экиб турилмаса, боғдан файз кетади.

Яқинда ижод боғида баҳорий ҳашар бўлиб ўтди. Сурхондарёдан олиб келинган хурмо, олма, ўрик, нок кўчатлари бу ерда анчадан бери маҳалладош бўлиб яшаётган ижодкорлар иштирокида, боғсевар халқимизнинг бу борадаги анъаналарига амал қилинган ҳолда экилди. Ариқлар тозаланиб, сув йўллари очиб қўйилди.

Ижодкорлар Наврўз нафасини сезиб, ободончилик ишларини давом эттирмоқдалар. Одамнинг қўли гул-да, мевали боғ, битган-битмаган, қурилиш ҳали бошланмаган ҳовлилар ҳам, озгина ҳаракат туфайли гул-гул яшнаб кетди.

Замира РЎЗИЕВА

СИЗНИ МУҲАББАТГА ЎРАБ АСРАЙМАН

МАСРУРЛИК

Тонгларингга чулғанди хос
ҳурлик оҳанги,
Юзларингдан ювилди рост
меҳнатнинг чанги,
Дунё сени таниб лолдир, Ўзбекистон,
Бугун янги сарвдай қадду қоматинг янги.

Дўст бўлай деб
меҳмон келар эшигингдан,
Бу яхшилик эзгуликка эшлигингдан,
Ўргилайин улуғларга хешлигингдан,
Ўзбекистон, қўлга келган омадинг янги.

Асрлардан келаётган обидалар
Қад ростлади бугун — обрў тоғидалар,
Авлодларинг илму ҳунар чоғидалар,
Қайта топган,
тикланган шавкатинг янги.

Она тилинг янграр
баланд минбарлардан,
Ҳусну хатинг янги зеру забарлардан,
Қўшиқларинг қаноти оқ укпарлардан,
Парвоз этар Ўзбекистон, санъатинг янги.

Жаҳон айвонида моҳ талъатинг янги,
Қайта топган, тикланган
шавкатинг янги,
Ўзбекистон, қўлга қўнган омадинг янги,
Бугун янги, сарвдай қадди
қоматинг янги.

* * *

Онажон, кўнглимдир — алла-байтингиз,
Сочим ўриб, қирқ бир тилак айтдингиз,
Кўрмадим соғинчдан айро пайтингиз,
Сизни муҳаббатга ўраб асрайман.

Кўнглимни кўзимга қараб билган ёр,
Феълларига Хизр назар қилган ёр,
Мулкингиз диёнат, давлатингиз — ор,
Сизни муҳаббатга ўраб асрайман.

Умримнинг безаги тўрт гулим — болам,
Дардим, кушойишим, умидим, жолам,
Суйсам тўрт минг сеҳрин кўрсатар олам,
Сизни муҳаббатга ўраб асрайман.

Элим, соддалигу андишанг улкан,
Фидоликни сендек асраган эл кам,
Болам де, юкингни кўтарсин елкам,
Сизни муҳаббатга ўраб асрайман.

* * *

Ҳувиллаган боғлар чирой топарлар,
Орзудан тикланган сарой топарлар,
Чечаклар суюнчи сўраб чопарлар,
Сўзимиз муҳаббат садоси бўлсин.

Ой тўлар, юлдузлар милтиллаб ёнар,
Ғафлатлар чекинар, ҳислар уйғонар,
Ҳайрат ҳадя бўлар, туйғу тўлғонар,
Куйимиз муҳаббат навоси бўлсин.

Чорласак, шеър ўқиб келади Машраб,
Суҳбатлар қурармиз кўзимиз ёшлаб,
Бизни олам танир бир нигоҳ ташлаб,
Кўнглимиз муҳаббат гадоси бўлсин.

Гул билан қўришсак, гулмоҳ бўлади,
Еллар изимиздан ҳамроҳ бўлади,
Пушти бодомзорлар гувоҳ бўлади,
Умримиз муҳаббат фидоси бўлсин.

* * *

Минг тўсиқдан қайтмаган
Аҳдингиз бўлсам эди.
Асраган, йўқотмаган
Нақдингиз бўлсам эди.

Учар тулпор ярашган,
Кўрганнинг ақли шошган
Бир қадам Анжон — Тошкан,
Шаҳдингиз бўлсам эди.

Орзуланган ойдаги,
Ишқ деган саройдаги,
Ўн саккиз чиройдаги
Тахтингиз бўлсам эди.

Жилғага айланиб қор,
Куйлаб келарди баҳор,
Муҳаббатга жон нисор,
Бахтингиз бўлсам эди.

Шукур ҚУРБОН

УЙҒОНАМАН ОНА ДЕБ САҲАР...



РАССОМ

Майлига, бой эмас,
Майли, машҳурмас,
Бу рассом бахтиёр яшар оламда.
Бу рассомни яна енголмади нафс,
Ҳатто тобга келиб турган бир дамда.
Шунчаки бўёқлар эмас чапланган,
Ким деди бу гапни — бекорга деди.
Қилинган меҳнатдан кўра сарфланган
Меҳру муҳаббатнинг чўғи кўп эди.
Нафақат мато, ранг,
қанча вақт кетди —
Навқирон умрнинг беш йили. Озми?
Дерлар: ҳар ким ҳар хил
нарх таклиф этди
Асар савдосида — ёлғонми, ростми —
Қандай чидасинки, энг баланд нархни
Ўзимизнинг бойваччалар-мас,
Хорижлик бадавлат
бир жаноб айтди.
Йўқ, у баъзи ношуд юртдошларидек,
Ўз элига таъна тошин отмади.
Чизган асарига кўз ташлади тек,
Ажнабий қошида тик тутиб қаддин.
Ижодкор меҳнати баридан юксак,
Пастлик қилар барча баҳолар, ҳа оз!
Ва лекин асари қолиши керак,
Ўзининг юртида қолса, қандай соз!
Хаёлидан ўтди Беҳзод, Музаффиб
Асарлари — бу кун чет элда улар.
Она-халқ то ҳануз яшар бенасиб,
Она-халқ то ҳануз бир кўришга зор.
Балки улардек соз чизолмаган бу,
Ҳар ҳолда унутмас рассом шу кунни.
Йўратди қалбини ажиб бир туйғу —
Ажнабий жанобга сотмади уни.

ИБРАТ

Ҳар қандай фаслда, қор, ёмғир, дўлда ҳам,
Қўлида бир коса овқат, нон, ишдан нари
Балиқчилик Аҳад ака ҳар кун бир маҳал
Дуосини олган кекса онасин кўриб.
Фарзандлари — дастёрлари
бор эди қанча,
Аёлини юборса ҳам, ахир, бўларди.
Борган баъзи пайтлар
ҳатто тоби қочганда,
Яратганнинг ўзи уни суярди.
Кўп қатори бу гапларга
гувоҳман мен ҳам,
Лекин гувоҳ эди бунга онам ҳам, албат.
Онам ўтиб кетиб, мана,
кўкси чок-чокман,
Мени қийин бир кунларга қўйди-ку қисмат.
Шоирликни орзу айлаб олис шаҳарда
Қолиб кетдим, уй-жой қилдим,
бола-чақа бор.
Онам, дея уйғонаман ҳар кун саҳарда,
Онам, дея тўлғонаман кечалари зор.
Хотирада, дуоларда ёд этиб номин,
Эслагайман ўтган-кетган
аҳли мўминни.
Аҳад ака ибрати-чи, ёндирар жоним,
Аҳад ака руҳи таъқиб этади мени.

ТЎРТЛИКЛАР

Кўплар китоб ўқимай қўйган,
Ўқисалар ҳам уқмай қўйган.
Балки кўплар тўйган китобдан,
Балки китоб кўплардан тўйган.

* * *

Бир инсон бозорда, боқмай барига,
Ҳар кун тонгни тунга улайди.
Бойлик орттирай, деб нарсаларига
Иймонини қўшиб пуллайди.

* * *

— Биламиз хотинни ишлатиш йўлин,
Чиқариб қўйганмиз уни бозорга!
— Хотиннинг қўлига қарамоқ — ўлим,
Эй эркак, ос бундай ғурурни дорга!

* * *

Дунё нонин ейиш осонмас, айтинг,
Буни жисму жонлар ҳам таъкидлайди:
Иситмада куйиб-ёнади
Чақалоқлар тиш чиқар пайти.

ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ БАҒРИКЕНГ БОҒИ

Хотира уйғонса гўзал

Кечки овқат устида жамулжам бўлиб, оилавий ширин-ширин суҳбат қуриб ўтирганимизни ҳамон бир энтикиш билан қўмсайман. Айниқса, дадамнинг кайфиятлари чоғ кунларда аям ва болалар танча атрофига тизилишиб, у кишининг бир-биридан қизиқ, эртакнамо хотираларини мириқиб тинглардик. Узун қиш кунлари иссиқ сандалда писта-бодом чақиб, майиз-туршак еб, ёз кунлари бўлса, салқин оқшомларда тарвуз-қовун, мева-чевага тўла дастурхон атрофида дадам билан суҳбатлашиш роҳатижон эди.

Етим қолганларидан кейинги қийинчиликлар, опа-сингилларини ўкситмаслик учун ўзларини ўққа-чўққа уриб, кун кечирганларини ажойиб саргузашт қилиб, гоҳ кўзлари мунгга тўлиб, гоҳ ҳаяжондан тўлиб-тошиб ҳикоя қилардилар. Шундай батафсил гапирардиларки, ёш бола бўлишимизга қарамай, ҳар бир воқеа кўз олдимиздан кинолентадек аниқ тасаввур қолдириб ўтарди. Ҳикояларнинг баъзилари уруш йилларига боғлиқ хотиралар эди.

Ўша оғир йиллари ўзбек халқи кўплаб жабрдийдаларни бағрига олди. Улар орасида адиб ва шоирлар, таржимон ва рассомлар, бастакорлар, театр ва кино артистлари ҳам талайгина эди. Уларнинг кўпчилиги бизникида тез-тез меҳмон бўлиб, дадам билан тонггача суҳбатлашиб ўтиришларини, айниқса, исмини айтишга тилим келишмай, уларни фақат "дядя", "тётя" деб чақирганимни яхши эслайман.

Алексей Толстой, Николай Погодин, Владимир Луговской (оиласи билан), Василий Ян, Валентин Катаев, Светлана Сомова, Анна Ахматова кабилар боғимизда тўпланиб дийдорлашишарди. Улар учун ҳовлимизда ўсиб етган мош-ловия, помидор-бодрингларни узиб келиш, ўз таъбирлари билан айтганда, экзотика эди.

1942 йилнинг февралида "Правда" газетасида дадамнинг "Ты не сирота" ("Сен етим эмассан") шеъри С.Сомова таржимасида чоп этилганида, эвакуация қилинган рус зиёлилари бу шеърни олқиш билан кутиб олган эканлар. Бундан сал кейинроқ эса, Тошкентда яшаётган Анна Ахматованинг "Мужество" номли шеъри ҳам "Правда"да (1942 йил, 8 март) минг қийинчиликлар билан эълон қилинади. Чунки ўша пайтларда бу буюк рус шоирасининг матбуотда чиқишига рухсат йўқ эди. "Правда" газетасига ушбу шеърни шоиранинг ўзи телефон орқали айтиб туриб ёздирган экан.

Дадам Ҳамид ака билан (ўша вақтда Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлган Ҳамид Олимжон) А.Ахматованинг уйига хабар олгани боришганида, уни худди шарқ аёлларидек ҳаёт кечиришининг, турмуш тарзида ўзбекона ҳолатлар кўп эканининг гувоҳи бўлганларини тез-тез хотирлардилар.

Бир куни А.Ахматова ва С.Сомова водийга сафар қилмоқчи бўлиб, дадамни ҳамроҳликка таклиф қилишибди. Бу сафар ҳақида С.Сомованинг кейинроқ "Дружба народов" журналида эълон қилинган (1986 йил, 6-сон) хотирасида батафсил ҳикоя қилинган. Сафардан қайтгач, А.Ахматова шундай оғир паллада ҳам ўзбеклардаги меҳр-оқибатнинг, меҳмондўстликнинг олий мақомини кўрганини ҳайрат билан гапириб юрган экан.

Дадам, айниқса, ҳазил-хузулни яхши тушунадиган, ўзи ҳам ўринлатиб мутойиба қиладиган Валентин Катаев билан яхши чиқишар эди. Ёз кунларининг бирида В.Катаев уйимизга келса, дадам дарахт соясида, намат устида ухлаб ётган экан. Шунда у "Шоирнинг уйқусини бузмай кўя қолай" деб, "Сон" ("Туш") номли шеър ёзиб ташлаб кетибди.

Мана ўша шеър:

Полдневный зной мне сжог лицо
Куда идти тепер?
Стена. Резная дверь. Колцо.
Стучи в резную дверь!

За ней узбекский садик. Там
В тени ковёр лежит.
Хозяин сам — Гафур Гулям —
С цветком за ухом спит.

Есть у Гафур Гуляма дочь
По очерку лица
Халида смуглая точь-вточь
Похоже на отца.

Но меньше ровный нос,
Нежнее кожи цвет.
И говорят пятнадцать кос,
Что ей пятнадцать лет.

Она в саду цветёт, как мак,
И пахнет, как чебрец.
Стучи в резную дверь,
Чтоб не слыхал отец.

Ушбу шеърда айтилган Холида дадамнинг дўсти — Маҳмудхон аптекачининг қизи эди. Холида бизникида ўз уйидек эмин-эркин юрарди, меҳмондорчилик кунлари келиб, ўзимнинг Холида опамга уй ишларида ёрдам берарди. Дадам ҳам рус дўстларига "Бу менинг қизим" дея таништирар эдилар.

В.Катаев яна бир кун келса, Ғафур Ғуломнинг иккита Холида исмли қизи ҳовлида юрган эмиш. У ҳайрон бўлиб, "Ғафур, нега қизларингнинг исми бир хил?" дея сўрабди. Шунда дадам (биттаси менинг қизим эмас, дегилари келмай) "Иккала қизимни ҳам бирдай яхши кўраман, шунинг учун икковига ҳам бир хил исм қўйганман" дебдилар.

Уруш тугаб, кўп ёзувчилар ватанларига қайтишганида ҳам бу эзгу ришта мустаҳкамлигича қолаверди. Ғафур Ғулом ва рус адибларининг ижодий ва оилавий дўстлиги давом этди.

Дадамнинг вафоти рус ёзувчи ва шоирлари учун ҳам катта йўқотиш бўлганини уй-музей архивида сақланаётган К.Симонов, А.Сурков, Н.Тихонов, И.Ле, М.Бажан кабиларнинг таъзия мактуби ва телеграммаларидан ўқиб билганман. Шундай қайғули таъзияномалардан бири С.Липкиннинг хати эди. Қуйида мактубнинг асл ҳолатини эълон қиляпмиз.



Дорогие мои друзья!
Я потеряла сначала нашего друга, нашего брата, нашего большого поэта Гафура-ака. Еще, кажется, несколько дней назад мы были с ним вместе на Пушкинских торжествах в Казани, ездили по Волге, он восхищался всех жителей своего Краснорежья, блестками ярко, сильного ума, его речи всегда прерывались рукоплесканиями восторженных слушателей. И вот его не стало...



Столько горя вам пришлось перенести, мои родные! Целая эпоха узбекской поэзии это Гафур Гулям. Начиналась новая эпоха, и мы со слезами на глазах и с надеждой в сердце продолжаем свою работу.
Всей душою вам сочувствую, ваша боль — моя боль.
С. Липкин
12.7.66.

ОЛМОС

Асад АСИЛ

"ОСМОН"ДАН ТУШГАН ОШ

Воқеий ҳикоя

Йилнинг сўнгги ойи эди. Кутилмаганда номаълум бир касаллик қаттиқ хуруж қилиб қолди. Дўхтирларнинг айтишича, бу дард аллергиянинг бир тури эмиш. "Тез ёрдам" ғирра бориб олиб келдию ташлади-кетди. Бир кишилик палатага жойлаштиришди. Хотиним ҳам қаттиқ шамоллаган, бечора хайҳотдай ҳовлида ёлғиз ўзи қолди. Туни билан лайлак-қор шундай қалин ёғдики!.. Энди, эшитган тақдирдаям, қишлоқдан бирон одамнинг йўқлаб келиши даргумон. Учинчи кундирки, иштаҳа хуруж қилади. Дўконларга чиқиб ул-бул харид қилай десам, "Тез ёрдам" тушмагур шоширавергани-дан пул олиш ҳам эсга келмабди. Касалхонага кимнинг иши тушган бўлса, пархезни яхши тушунади... Шундай қилиб десангиз, Салтиков-Шчедриннинг бир мужик боққан генералига ўхшаб ўтирибман. Яна навбатдаги тун бошланди. Дам олиш хонасидаги телевизордан таниш хонанданинг ширали овози эшитилмоқда. Бир кўнгим, кириб ўзимни овунтириб ўтирсаммикин, деб ўйлайман-да, дарров фикримдан қайтаман: "Оч қорингга қўшиқ на хожат?.."

Ўринга чалқанча ётиб кўзларимни юмдим: "Зора ухлаб қолсам". Бўлмади. Барибир, дам олиш хонасига кириб бордим. Дарров бир оромкурсини бўшатиб бердилар. Хонандалар навбатма-навбат куйлашяпти, раққосалар хиром айлашяпти. Давра зўр, яхши бир байрам зиёфати ўтказилаётган экан. Навбат хилма-хил ноз-неъматлар тортишга келди. Ана кабобу сомсалар, буғи уфуриб турган ош!.. "Кўрмоқ бор-у, емоқ йўқ", деган гапнинг асл маъносига энди тушундим. Тоқатим тугаб палатага қайтдим: "Кўзимни юмиб ётаверсам, ухлаб қоларман".

Эшикдан кириб ҳайрон бўлдим. Чиқаётиб чироқни ўчирган эдим, ёниб турибди. Столда эса ихчамгина бир тугун, ёнида иккита ёпган нон! "Ёпирай, тушимми ё ўнгимми?" Дарров тугунни ечдим. Пахта гулли косада иссиққина ош, устида салмоқли гўшт бўлаги! "Буни ким олиб келдийкин, нега эгаси йўқ?" Йўлакларни, кутиш залларини айланиб изладим. Таниш одам кўринмайди. "Ҳа, топдим, — ўзимча хулоса ясадим. — Хотиним қизимникига қўнғироқ қилиб айтган. Қизимнинг вақти зиқ бўлса, куёв машинасида олиб келган-да, хонада йўқлигим учун ташлаб кетаверган. У шунақа камгап, тортинчоқ. Қорин сурнай чалиб турганда ош келтирганни қидиришнинг ўзи бемаънилик. "Ол, косани бу ёққа, Асадбой!"

Ош тушмагур ёғлиққина экан. Бир зумда пок-покиза туширдим. Электр човгумда чой қайнатиб, майдалаб хўплаб, роҳат қилдим денг. Қорин тўйди, очлик даф бўлди. Энди қизимга қўнғироқ қилай, бемаҳалда бунақа овора бўлиб юришмасин.

— Гулноз, қор қалин, яна қоронғи бўлса. Ҳусанга айт, бемаҳалда машина ҳайдамасин. Менда ҳамма нарса ошиб-тошиб ётибди, касалхонанинг овқатлариям чаккимас, айни бизбоп экан...

— Ада, нималар деяпсиз, тинчликми ўзи?

— Ия, ошни сизлар олиб келмадингларми? Мен ойинг хабар бергандир деб ўйлабман.

— Қанақа ош? Қишлоқнинг телефони ишламаётибди. Нима? Касалхонага тушиб қолдингизми? Ҳозироқ етиб бораман! Касалхона овқатларини менам жуда яхши биламан. Ўзингиз тузукмисиз?

— Ҳай-ҳай, шошма, қизим! Эҳ, негаям телефон қилдим-а...

Хуллас, қизимни аранг қайтардим. Бироқ эртага азонда албатта етиб келадиган бўлди. Мен эса ўйга толдим: "Бу тугунни қайси меҳрибон ташлаб кетдийкин? Нега кутиб турмайди? Буёғи қизиқ-ку! Э, ким бўлсаям идишига келар, муҳими, қорин қайғусидан қутулдим".

Мазза қилиб ухлабман, туману булутлар тарқаб, ҳаво очилиб кетибди. Бу ердан Қораҳоя тоғлари дераза оша баралла кўринаркан. Қордан оппоқ пўстин кийган қоялар яраклайди. Зиғирчаям ғубор йўқ. Кайфиятим чоғ, дардим ҳам туман-булутлар билан бирга изсиз ғойиб бўлибди. Енгилгина бадантарбия қилиб, ювинишга тутиндим. Шифохонанинг чаққоной қизлари нонушта ташлаб кетдилар. Чойни дамлаб, пиёлани энди оғзимга олиб борган эдим, қаршимдаги қўшни палатадан аёл кишининг зардали овози эшитила бошлади: "Анқайиб ўтирмай, уёқ-буёққа қараб юрсангиз бўлмайдими? Ўзингизга ўхшаб лаллайган ўғлингиздан бериб юборасизми ош деганни?"



— Овозингни кўтарма, — аёлига танбеҳ берди кўшни хонадаги норғул йигит. — Ҳа, энди, шу одамга буюрганакан-да. Ёши улуғ, дардиям анча оғир шекилли. Қўявер, савоби бизга тегади.

— Савобидан ўргилдим! Кеча очдан-оч ётибсиз-да? Жилла қурса, идишларимни олиб беринг, обкетай.

— Э, қўйсанг-чи, шу замонда одам оч қоладими...

Мен ётган ўн иккинчи палата эшиги секингина чертилди. Ўзимни ҳеч нарса билмаганга-эшитмаганга солиб, "кираверинг", дедим-да, кўзларимни юмганча ётавердим.

— Кечирасиз, амаки, кеча ўғлимиз бир идиш қўйганакан, — норғул йигит ўнғайсизлана-ўйғайсизлана воқеани тушунтирди.

— Қарздор бўб қолибмиз-ку, ука! Осмондан тушган ош экан, совиб қолмасин деб...

— Э, нималар деяпсиз, амаки! Ош бўлсин, мингдан минг розимиз!

Касалхонадаям, уйга чиққанимдан кейин ҳам норғул йигит билан учрашиб қолганимда "осмондан тушган ош" ҳақида эслашиб, кулишиб юрдик.

ВАТАННИ КУЙЛАШ СУРУРИ

Ватанни бошқалардан кўра, оналар кучлироқ севади. Ўзларини ватан учун масъул деб билади. Чунки ватанпарвар қаҳрамонларни оналар туғиб тарбиялайди. Зеро, сут билан кирган жон билан чиқади деб бежиз айтилмаган. Наманганлик шоира Қимматхон Мамажонованинг "Ўғлимга" сарлавҳали шеърида онанинг Ватанга бўлган ана шундай муҳаббати қаламга олинган.

Нон каби табаррук бу тупроқ,
Бу юртда ҳар бир уй тўйхона.
Сен уни иймондай асрагин,
Бу Ватан — жон каби ягона.

Ўғлим, қалқон бўл-у, фидо эт
Ҳам азиз, ҳам ширин бу жонни.
Ҳеч қачон ҳеч кимга бермагин
Сени ўғил туққан Ватанни.

Бу туйғу Тўмарис момолардан мерос қолган. Уни куйлаш дилларга ўзгача сурур бахш этади. Ана шундай оналари бўлган Ватаннинг бахту иқболи ҳамиша баланд бўлади.

Яқинда Наманган вилоятининг Норин туманидаги маданият саройида Қимматхон Мамажонованинг янги чоп этилган "Шамолга айтилган сирлар" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда таниқли шоир Ҳусниддин Шарипов сўзга чиқиб, Қимматхоннинг шеърлари ҳақида шундай деди: "Мураккаб ёзиш қийин эмас, жўн ёзиш ундан ҳам осон. Аммо табиий куйлаш учун истеъдод керак. Шеърият Қимматхон учун қурол эмас, балки ҳамдардлик воситаси экани сезилиб туради. Сочини Қорадарё ва Норин еллари силаган шоирамизнинг шеърлари фикримизнинг далолати бўла олади, деб ўйлайман".

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими масъул котиби Зиёвуддин Мансур, шоирлар Дилбар Ҳайдарова, Рустам Мусурмон, Дилором Эргашева, Рустам Мурод, Мирабдулла Турғунов, ёш ижодкор Дилҳаёт Мамажонова ҳозирги адабий жараён, ижодкор масъулияти, мустақиллик ва шеърият ҳақида сўзладилар.

Ўз ахборотимиз

"ЁШЛИК" 2007, 1-сон

Журналларни варақлаганда...

"Ёшлик" журналининг янги йилдаги илк сонида "Йилнинг мазмуни"дан сўз очган нашр муҳаррири жонли тилда, турмушдан иқтибослар келтириб, Ижтимоий ҳимоя йилининг инсонпарварлик моҳиятини таъкидлайди.

Таниқли адиб Эркин Аъзамнинг "Забаржад" номли киноқиссаси ёзувчи мухлислари ва журнал муштарийларига муносиб туҳфа бўлган. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг "Ошиқ оҳи" номли лирик достонида адабиётнинг азалий мавзуларидан бири — севги тараннум этилади.

"Ёшлик"нинг бу сонида ҳам ёш ва бошловчи ижодкорларга кенг ўрин берилган. Жумладан, Мирзо Аҳаднинг ҳажвий ҳикоялари, Носир Боймирзаевнинг "Полвонча ракс" ҳикояси, Бахтиёр Бобонов, Мусалламбону, Вазира Шодиева, Мукаддас Саломова шеърлари бугунги навқирон ижодкорлар изланишлари ҳақида муайян тасаввур беради.

Ёзувчи Абулқосим Мамарасулов таржимасида эълон қилинган москвалик адиба Светлана Василенконинг "Тиканли сим ортидаги шаҳар" ҳикояси муштарийларда яхши таассурот уйғотиши шубҳасиз.

"Ёшлар овози" саҳифаси, айниқса, қалбида адабиётга иштиёқи баланд, бадиий сўз сеҳрига ошуфта йигит, қизлар орасида катта қизиқиш уйғотди. Бугун таҳририятимизга илк машқлари, жажжи тадқиқот ва мақолаларини олиб келаётган ёшлар орасида олий ўқув юртлари талабалари, аспирант-тадқиқотчилар кўпчиликни ташкил этади. Қувонарли томони шундаки, навқирон авлод вакиллари турли жанрларда ўз қобилиятларини санаб кўришаётир, ҳозирги замон ўзбек ва жаҳон адабиётининг муҳим мавзуларини таҳлил этишга журъат билан киришаётир. Навбатдаги саҳифани ўқиб, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

Илк машқлари матбуотда эълон қилинган қаламкаш энди фақат ҳавас билан эмас, балки масъулиятни ҳис этиб қалам тебратмоғи лозим бўлади. Ижодни бошлаган бошловчи эмас, деган гап шу маънода тўғри айтилган. Таҳририятимизга келган кўплаб шеър, ҳикоя, таржима асарлар, мақолалар орасидан танлаб сизга тақдим этилаётган ушбу саҳифадаги ёш муаллифлар ҳам ижод ва тадқиқот заҳматларидан чўчимай, ҳар бир сўз, жумла устида эринмай ишлашса, биз кутган, умид қилган натижалар юзага чиқиши тайин.

ТАДҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ

БАҲОРНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Бадиа

Наврўзбек қанчалик кўзларини юмиб, ухлашга уринмасин уддасидан чиқа олмади. Бироз чалғиш мақсадида ҳозиргина отасидан эшитганларини тасаввур қилиб кўрмоқчи бўлди.

Гўё мўъжиза содир бўлгану дунё яшариб кетгандек. Ҳар ким ўзича хурсанд, қувноқ, кишилар бир-бирларига меҳр-муҳаббат, табассум улашишган. Бўтакўз ва чиройли гуллардан чамбарак дўппи қилиб, толбаргаклар тақиб ўйинга тушаётган қизалоқлар бир-бирларига гал беришмайди. Ҳув ана, ҳўл хивчиндан шамалак бойлаган қизчанинг сочларидан бир йигитча тортиб қочди. Нарироқда бир гуруҳ қизлар тўпланиб олиб, чанқовуз, сибизиқ чалишаяпти.

Ажойиб. Илгаридан одамлар уйғониш фаслида роса яйрашган эканда, дея ўйлаб ётарди бола шифтга термилган кўйи. Балки, шамалақдан тортиб қочаётган йигит унда кўнгли борлигини ҳам билдириб қўяётгандир. Ҳозирги Наврўз саҳналарида ҳам ўша қадриятлар акс эттирилади-ку. Аёллар йил бошида гуноҳларимиз тўкилади, дея ҳалинчакларда учишади. Ҳожар момонинг айтишича, баландроққа кўтарилганинг сари орзуларингга яқинлашиб боравераркансан. Келтирилган таомлар қайта тақсимлангач, бир қозондан тарқатилиши шарофатидан ўзаро муҳаббат ортаркан.

Бола нега шу пайтгача бу тўғрида катталардан сўрамаганига таажжубда эди. Чунки отаси Наврўз билан боғлиқ удумларнинг янги жиҳатларини шунчалик кўп келтирдики, хотирида умумлаштириб олишга ҳам улгура олмай қолди. Ўша даврларда сумалак ҳам яширинча қилинар экан. Белгиланган уйга ун чиқарилиб, тайёр бўлгач коса-косалаб улашилган. Келинсаломлар одат тусига кирганлигини эшитган бола Наврўз ҳақида онасининг айтаётганларини диққат билан тинглади. Тасаввурига зўр бериб, олтмишдан ошган Зумрад аммасининг саломга эгилганлигини хаёл қилди. Улар тенги момоларнинг дўппи, кашта тикиб, алла айтишаётганларини кўз олдига келтирди.

Эртага отаси айтганидек, ҳашарга чиқади. Тун яримлаб қолаяпти, аммо алланимарсалар уйқу деганларини ҳам қочириб юборди. Қанча уринмасин, қалби қўмсаётган айём соғинчи қабоқларига ўрнашишга уринаётган "юк"ни тумтарақай тарқатиб юборарди. Ўрнидан турди, қоғоз билан қаламдонини топиб, баҳор фаслида, айём арафасида унутиб қўймаслиги учун зарур юмушларни қайд этиб қўйди. Фақат тонг тезроқ ёриша қолса бўлгани. Чунки тонг отса, баҳорнинг биринчи куни.

Азиз НОРҚУЛОВ

ҲАЗИН

Ҳикоя

У вақтини китобга мук тушган кўйи ўтказарди. Одамлардан ётсирар, ўзича завқланиб, аллақандай сирли маъволарда сайр этарди. Мутолаа қилаётган китоблардаги турфа воқеаларни айтмаганда, кунлари икки томчи сувдек бир-биридан фарқ қилмасди. Олам якранг эди.

Қай куни туйқусдан муқоваси йўқ аллақандай қўлёзмани топиб олди-ю, унинг ҳаловати йўқолди. Қўлёзмада алламбало бир хазина ҳақида ёзилганди. Қизиғи, унда тасвирланган макон жуда таниш туюлди. Ҳа, ишонасизми, худди қўлидаги бармоқларидек таниш туюлди. Кўз ўнгидан мубҳамлик тумани чекиниб, ўша жойни аниқ-тиниқ тасаввур эта бошлади. Шундан кейин у уйда ўтира олмай қолди. Кетмон ва белкуракни кўтариб далага отланди.

...мана ўша ажин босган кекса қайрағоч.

Мана ўша тинмай ниманидир чулдираётган анҳор.

Мана ўша туянинг ўркачидай ғўдайиб турган шўр босган дўнглик. Қўлёзмада битилган маконнинг ўзгинаси! Бир туси ҳам ортиқча ёки кам эмас. Тавба! Девонанинг ишини худо ўнглабди, дегани шудир-да!

Тўғри, ортиқча ҳовлиқишнинг мавриди эмас ҳозир. Ишга тезроқ киришган маъқул. Ҳадемай қоронғу тушиб, ишнинг белига тепади.

У қўлёзмадаги қайдда ёзилганидек, қайрағочдан дўнглик томон ўн уч одим ташлаб, ерни кавлашга тушди. Ҳали тизза бўйи чуқур қазиб улгурмай, қора терга ботиб қолди. Кўйлаги баданига чиппа ёпишиб, ғашини келтира бошлади. Эгнидагини ечиб, қайрағоч шохига илиб қўйди ва яна ишга шўнғиб кетди. Кетмон уриб қўли қовармагани боис, азобга гирифтор бўлди: нафаси сиқилиб, жони ҳалқумига келди.

Силласи қуриб, бироз тин олиш учун ўрнига чўккалади. Шу пайт томоғи қуруқшаб, чанқаганини сезди-ю, ногаҳон чашмага дуч келган ташна йўловчидай, ариқда оқиб турган сувдан ҳовучлаб-ҳовучлаб ичди. Ютоқиб-ютоқиб ичди. Кафтлари орасидан тўкилган сувдан кўксини қоплаган қалин жун ҳўлланди. Шунда ҳам қаноат қилмай, бағрини ерга бериб ичди. Ҳовури бироз босилгач, хаёллар уни ўз измига олди. Шу кўйи қанча ўтирди, билмайди. Бир маҳал ток ургандай илкис ўрнидан туриб, яна ишга берилди.

Кўп ўтмай атрофга қоронғулик чўкди. У қотиб қолган белини зўрга тиклади — оғриқдан юзлари буришиб кетди. Ўранинг ичидан туриб осмонга унсиз термулди. Энди бодраб чиқаётган юлдузлар ҳозир унга жуда яқиндек туюлди. Гўё қўл узатса етгудай. Аммо у тилларанг жило таратаётган бу юлдузлар ўзидан нечоғли олис эканини тасаввур этолмасди.

...Қазилган уч-тўрт қулоч хандақни айтмаганда бир куни зое кетди. Лекин у умидини узмади. Кўнглидаги милтираб турган илинж учқунининг буткул сўниб қолмаслиги учун ҳам астойдил ҳаракат қилди.

Кундан кун ўра чуқурлашиб бораверди. Аммо хазинадан дарак бўлмади.

Энди унинг ғазаби қўзий бошлади. Кимдир мени калака қилаяпти, деган гумонга ҳам борди. Юрагининг туб-тубида ғимирлаган бу шубҳа, бахтга қарши, вақт ўтган сайин теранроқ илдиз ота бошлади. Шунда ҳам у бўш келмас, тун-кун тиним билмас: қазийверар, қазийверар, қазийверарди... бироқ хазинадан дарак йўқ эди.

Одамлар унинг телбанамо ишини кўриб, ўзларини кулгидан тия олмади. Ўтган-кетган эрмак қилиб гап отади. Лекин у эътибор бермасликка тиришади. Барига тишини тишига босиб тоқат қилади. Бора-бора бу ҳолга қишлоқдагилар ҳам кўникиб қолди — уни ортиқ масхараламай қўйишди. Шу зайл, тасбеҳ доналаридай, кунлар кетидан кунлар ўтиб бораверди.

Тушкунлик умидга, умид эса яна тушкунликка эврилди.

Хазинадан ҳали-ҳамон дарак йўқ эди.

...Мана, у ҳозир ҳам ўра ичида.

Яна ташналаб.

Яна тердан кўйлаги баданига ёпишган. Юзида ажин-эгатлардан реза-реза томчилар қуйилади. Оғриқдан беллари зирқирайди...

Таққ!!!

Во дариғ, кутилмаганда белкурак қаттиқ бир нарсага урилди. Ишониш қийин. Наҳотки?!..

У сал бўлмаса қувончдан ўзини йўқотиб қўяёзди. Тупроқ сатҳида бўртиб турган темир парчанинг атрофини шоша-пиша ковлай бошлади. Ниҳоят уни қўллари билан тутиб, аста тепага тортиб кўрди. Темир қилт этмади — ерга чуқур ботган кўринади. Бу гал у бор қувватини билакларига бериб силтаб тортди. Шунда ўранинг деворида "тирс-тирс" этиб илдизга ўхшаш ёриқлар пайдо бўлди. Яна бир оз куч ишлатгудек бўлса, хандақ устига ўпирилиб тушиши тайин. У нафасини ичига ютганча мурдадек тош қотиб қолди. Гўё нафас чиқаргудек бўлса, ўра ўпирилиб тушадигандек туюларди. Қулоқлари том битган, боши тинмай ғувилларди. Вужудини чирмовукдек чирмаб олган ваҳмдан баданини совуқ тер қоплади. Бир неча сония ичида у барча уринишлари, илинж-умидлари интиҳосининг фожеа қўламини идрок этди. Ҳаммаси тамом бўлаётганга ўхшар, аммо қалбининг бир четида кулга айланиб сўнаётган чўғ мисоли нимадир милтилларди.

У одамларни чақирмоқчи бўлди. Бироқ овози бўғзига тиқилиб қолди. Товуши бўғзида ваҳимали акс-садо берди. Тағин бақиришга оғиз жуфтлади-ю, туйқус бу фикридан қайтди. Ажал чангалида турган эса-да, беҳад олисдаги ўша мазаххўр одамларга элангиси келмади. Ўлардан имдод тилаб, ажалидан илгари ўлишни истамади.

Чўғ ҳам сўниб битди...

У кафтларидан қон сизган қўллари билан темир парчани маҳкам тутамлаб бор кучи билан силтаб тортди!

Ўра ўпирилди...

Ийроқлик яқинликка, қаттиқлик юмшоқликка айланди — бўғзидан вулқондай отилган сўзни эса устига ўпирилиб тушган тупроқ кўмиб ташлади:

"ҲА-З-И-И-Н..."



Отабек ТИЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Мулоҳаза учун мавзу

"Яқинда сўраб қолдинг: нега доим мендан қўрқасан, деб. Шундан бўлса керак сендан қўрққаним боис, аниқ жавоб беролмайман. Бу қўрқувни аниқ-равшан тушунтириб бериш учун ҳаддан ташқари кўп нарсани изоҳлаш керак. Ҳолбуки, ўзаро суҳбатда бунинг иложи йўқ".

Франтс Кафка "Отамга хат" асарини шу жумлалар билан бошлайди, шу тариқа кўнглидаги гапларини отасига айтади. "Кўнгил ёриш" жуда қийин кечганини Кафка кўп такрорлайди. Хатда болалар тақдирида отанинг ўрни, ота берадиган тарбия муҳимлиги, кишилар турлича фикрлагани каби уларнинг тарбия усуллари ҳам хилма-хиллиги таъкидланади.

"Сен менинг кучли ва жасур бўлишим учун астойдил куйиб-пишардинг, аммо тарбия усулинг феъл-атворингга мос эди. Қаҳр-ғазаб билан, куч ишлатиб, бақириб-чақириб ўз мақсадингга эришмоқчи бўлардинг. Афсуски, бундан бошқача тарбиялаш ҳаёлингга келмас, бу эса кутилган натижага зид эди".

...Бозордаги сотувчилар орасида мактаб ёшидаги болалар ҳам учрайди. Улар ўз "иши"ни шундай пухта эгаллашганки, таклиф қилган маҳсулотини харид қилганингизни билмай қоласиз. Бироқ пул топишни ўргатаётган бозор болага бундан ортиқ яна нима ҳам бера оларди?!

Бола кимгадир нон ёки бирор майда-чуйда керак бўлиб қолишини кутади, хизмат ҳақини олиб, одамларнинг ҳожатини чиқаради. Кеч кириб, уйга қайтгач, оёқлари зирқирайди, кўзини уйқу босади. Дарс тайёрлаши эса, ўлдажўлда. Оиласидагилар бу ҳақда бош қотиришмайди.

Қизиқ, бу болалар, ҳақиқатан ҳам, меҳнатдан оладиган ҳақга муҳтожми ёки қаттиққўл ота-оналарнинг тарбия усулими бу? Ёки шарт-шароит уларни мактабга бориш, китоб ўқиш, спорт, мусиқа, санъат билан шуғулланиш ўрнига пул топиш учун бозорга чиқишини тақазо этаяптими? Нима бўлганда ҳам, бу масалада ота-оналар жиддий бош қотиришлари лозим.

Эҳтимол, болага ота-онадан кўра шароит таъсири кучлироқдир. Аммо бу ерда баъзиларнинг болани меҳнат орқали тарбиялаш усули ҳам борлигини унутмайлик. Бу усулни мутлақо қораламоқчи эмасмиз. Зеро, заҳмат чекмай улғаяётганлар орасида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқараётганлар йўқ эмас. Хусусан, Кафка ўша хатида ёзади:

"Сен бутун умринг давомида оғир машаққат чекиб, эзилиб ишладинг ва ўзингни болаларинг, айниқса, мен учун қурбон қилдинг. Шунинг эвазига мен кўнглимга сиққунча тараллабедод қилиб яшадим".

Айрим ота-оналар меҳнатга ўргатишнинг бошқача усулларини ҳам қўллашади. Бола дарсдан сўнг бирор ҳунар билан шуғуллана бошлайди. Масалан, новвойлик, дурадгорлик ишларида ота-онаси, акаларига ёрдам беради. Баъзан бунда ҳам боланинг хоҳиш-истаги унутилишига ўхшаш ҳолатлар юз беради. Яъни, деҳқоннинг боласи кетмон кўтариш менинг ҳам тақдирим, деб ўйлайди.

Япон халқида бир ажойиб одат бор экан: фарзанди эсини танигач, ота-она унинг қайси фан ёки касбга лаёқати кучлилигини аниқлаб, ўша йўналиш бўйича унинг ихтисослашувига йўл очади. Шифокорнинг боласи шифокор, рассомнинг боласи рассом, тадбиркорнинг фарзанди тадбиркор, қўшиқчининг боласи қўшиқчи... Булар фақат ирсият билан боғлиқ тасодифлар эмаслиги ҳаммамизга аён.

Баъзи бир оилаларда ота-она билан фарзанд ўртасида жарлик бўлади. Бу бўшлиқ ота-она меҳрига ташна бола қалбини жароҳатлайди.

"Сенда ўзига асир этадиган сокин, сассиз, бир сўз билан айтганда, гўзал ва нодир табассум борки, у кимга насиб этса, ўшанинг дилини яйратиб юборади. Аммо бу табассум ёрқин бир кўринишда менинг болалик кунларимга қиё боқканини эслай олмайман. Эҳтимол, шундай дамлар ҳам бўлгандир, билмадим, аммо нега сен ўша пайтларда бу бахтни менга раво кўрмагансан".

Кафканинг бу сўзлари ҳам болалар меҳрсиз ота-онанинг эркалашлари-ю ширин сўзларига муҳтож бўлиб ўсишларига далил бўла олади.

"Эътироз билдирма!" Сенинг бу дағдағанг неча марта-лаб фикр айтмоқчи бўлиб сўз сўраб кўтарилган қўлларимни синдирди", дейди отасига хатида Кафка.

Бизнинг турмушимизда ҳам катта ёшдагиларнинг ортиқча эҳтиёткорликлари қанча муаммоларнинг ечими топилишига халал бераяпти. Биргина шу буйруқ оҳангидаги ибора боис, тўғри фикрлар тилга кўчмай, дилларда қолиб кетади.

Тарбия эртанги кун одамлари қалби, қиёфасини белгилайди. Демак, уни оддий тажриба сифатида қўлламаслик керак.

Зилола РУСТАМОВА,
Жаҳон тиллари университети талабаси

КЎНГИЛГА ТАШРИФ

Талқин

Чинакам шеър кўнгилда кўз ёради. Дард билан, меҳр билан дунёга келган бундай шеърнинг умри ҳам узун бўлади — кўнгилларда яшайди.

Инжа туйғуларни гўзал йўсинда ифода этиш санъат, уни янада гўзал шаклга солиш санъаткорликдир. Мана шундай санъаткорлик туфайли шеър ўзга қалбларда турлича акс-садо беради:

Кўнгил кўр бўлса-да, нозик бўлади,
Ўр бўлса-да, нозик бўлади.

Шу сабабли кимнингдир кўнглидан жой олган шеър яна бировнинг кўнглига умуман ўтирмаслиги мумкин. Бу табиий ҳол ҳисобланади.

Аҳли дониш инсоннинг ўз йўлини топгунига қадар ҳаётнинг турли сўқмоқларидан ўтиши, бинобарин, кўнгилнинг турфа жилваларига шоҳид бўлишини нақл қилади. Кўнгилнинг кўчалари кенг. Бу кўчалар кишини баъзан нурли манзилларга етакласа, баъзан аросат сари улоқтириб ташлайди. Бироқ ҳаётнинг қувонч-ташвишлари билан боғлиқ барча икир-чикирлари кўнгилда тирикликнинг бахту бахтсизлиги бўлиб яшайверади.

Навоий ҳазратлари "Каъба" дея улуғлаган, Бобур мирзо учун *"маҳрами асрор"* бўлган кўнгил Чўлпонни *"Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғилгонсен"*, дея ҳайқиртирган. Шу жиҳатдан ёндашганда ижод аҳли учун кўнгилни ҳис этиш, тушуниш ва ёзиш муқаддас юмуш бўлиб келган. Айтиш лозим, бу анъана ҳозир ҳам мазмунмоҳиятини ўзгартиргани йўқ. Фахриёрни ана шу анъананинг вориси, деб ҳисоблаш мумкин.

Бунга далил шуки, Фахриёр шеърияти кишини Кўнгил деб аталмиш ғаройиб дунё сари етаклаб боради. Унинг шеърларида ўртанган қалб, безовта руҳ, ғамзада юракнинг дарди силқиб туради. Эслатиш жоизки, шоир шеърларидаги бу дард асло ҳасрат эмас. Инчунин, шоир дардини достон қилмайди, билъакс, кўнглини очади. Бу жараёнда бир инсонга (эҳтимол, миллионларга) хос бўлган соғинч, изтироб, армон, орзу-умид — ҳаммаси мужассам. Фахриёр руҳиятида рўй бераётган ўзгариш-эврилишларни кўнгил орқали жонли ўхшатишларда ифода этади. Шоир бир шеърида *"Кўнгил сочинг каби қорадир"*, — деган жуда ҳаётий иборани қўллаган. Шеърнинг умумий мазмунини белгилаб берувчи ушбу мисра орқали муаллиф кайфиятнинг ёрқин манзарасини чизади. Чиндан ҳам, баъзида киши кўзига дунё қоронғи кўриниб кетади. Одам ичини ит тирнаб ўшандай лаҳзаларни шоир сочнинг ранги орқали ифодалаб беради.

Фахриёр шеърни ўйнаб эмас, ўйлаб ёзади. У бир шеърида: *"Вазифаси бор ўлимнинг ҳам, бордир унинг мажбуриятти"*, дейди. Аслида, бу каби масъуллик унинг ижодига ҳам хосдир. Чунки шоир шеърдаги ҳар бир жумлага, ҳатто тиниш белгиларига ҳам бирор маъно, вазифа юклашга уринади. Бу эса ўқувчини ўз-ўзидан изланишга, мулоҳаза юритишга ундайди. Мана шундай сатрлардан яна бири: *"Тун кимнинг бахтики, бунчалар қаро"*.

Ҳаётда биз бахт ҳақида кўп гапирамиз. Дилдаги энг эзгу тилакларимизни бахт тилаш билан ифода этамиз. Аммо шундай пайтлари нисбий тушунча бўлган бахтнинг нима эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ростдан ҳам, бахт ўзи нима? Бахтсизлик-чи?

Ёшлигимда жаҳонга машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема" повестини ўқиганимда асар қаҳрамонларидан бири, тирноққа зор бўлган муштипар аёл Бекей хола қисматига чин дилдан ачиниб, унга бахтсиз аёл сифатида қараган эдим. Бу Фахриёрнинг "Ёлғиз аёл" шеърини ўқигунга қадар давом этди. Шеърни ўқиб фақат Бекей холага эмас, балки дунёга муносабатим ўзгариб кетди. Шунда тушуниб етдимки, дунёда ёлғизликдан ёмони йўқ. Ёлғизлик бахту бахтсизликнинг орасида қолган кунни ўтказиш. Бекей холанинг пиёниста бўлса ҳам, оғзи шалоқ бўлса ҳам бошида эри, энг муҳими, бахтсиз бўлса ҳам — қисмати бор эди. Фахриёр шеъридаги "Ёлғиз аёл"да на бахт бор, на бахтсизлик. У бор-йўғи, *"Орзу қилар бахтиёрликни, бахтсизликни истайди жуда"*. Аммо тақдирнинг ўйинини қарангки, *"Бахтсизликни ундан қизғонар, ундан бахтни кўп кўрган худо"*.

Мен бу шеърни ўқиб, рости, ёлғизликнинг даҳшатидан қўрқувга тушдим. Ўқиганим бор: қадим замонларда қайсидир қабилада бирон ножўя ҳаракат қилган қабиладош, жазо сифатида, ёлғизликка маҳкум этилиб, овлоқ жойга қувғин қилинар экан. Фахриёр эса, шеърида қисмат излаб тўрт тарафга елаётган бахтиқаро аёлнинг тимсоли орқали ёлғизликнинг бадиий қиёфасини қисматнинг аянчли кўриниши сифатида кўрсатиб беради.

Шуни таъкидлаш керакки, Фахриёрнинг аксар шеърларида фикр туйғудан устун. Шоир фикрга ўралган туйғуни кўнгилда минг бора таҳрирдан ўтказиб ўқувчига ҳавола этади. Бу ўқувчини мураккаблик сари етаклайди — у шоирнинг мақсадини сатрлар ботинидан излашга мажбур бўлади. Эҳтимол, Фахриёрнинг шоир сифатидаги ютуғи ҳам, камчилиги ҳам шундадир. Ютуғи шундаки, у ҳеч қачон шеърни шунчаки яланғоч ҳолда ўқувчи эътиборига ҳавола этмайди. Камчилиги шундаки, аксарият шеърларида "банди" фикр олдинги ўринни эгаллаб олади. Ҳолбуки, чинакам шеър учун туйғу ҳамиша фикрни ўзига тобе қилган.

Фахриёр шеърлари учун муҳим хусусиятлардан яна бири — метафораларга бойлигидир. Шоир метафоралар орқали кутилмаган, айни вақтда эса, жозибали тасвирларни ўйлаб топади: *"Ҳилол каби тим қошларингнинг қоқ бағримга ботмоғин кутдим"*. Бундай жонли ўхшатишлар кўнгилга мойдек ёқади. Ҳилол деганда янги чиққан ойни тушунамиз. Ой икки-уч кунлик бўлганида ингичка ёйсимон шаклда ўзидан жозибали нур таратиб туради. Ойнинг ўша пайтдаги кўриниши одатда адабиётда ёрнинг қошига тимсол қилиб келинади. Бу ташбеҳ мумтоз адабиётда ҳам бор. Фахриёр ушбу анъанани давом эттирган ҳолда ёрнинг тим қошларини ҳилолга ўхшатиш билан изтиробнинг гўзал сувратини чизади.

Фахриёр бир шеърида "эртага, эртага, эртага", деб таъкидлайди. Мен ана шу куйиниш замирида шоир шериятига нисбатан ишонч мавжудлигини ҳис этдим.



Содиқ НОРБОЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети магистри

ФАРЗАНД ЮКИ

Билиб-билмай яқинлари кўнглига тегади. Куни келиб, ғишт қолипидан кўчгач, боши бориб тошга теккачгина қадрдонларнинг кераклигини ҳис этади. Афсус-надоматдан бошлари чиқмайди.

Толиб Йўлдош тўртлик жанрида халқ хазинасига мансуб маталу панд-насиҳатлардан фойдаланиб, ўзига хос янгича услуб яратган ижодкор эди. Унинг ҳар бир тўртлиги асл ўзбекка тегишли бўлган қувончлар, изтироблар, ўй-фикрларни акс эттиргани билан ҳам қимматлидир. Унинг тўртлик жанри устаси эканлигини замонамизнинг забардаст шоири Эркин Воҳид ҳам тан олиб, алоҳида таъкидлаб ўтган:

Шеърнинг зўри тўрт сатр,
Тўрт ажойиб зўр сатр.
Шоир одам ўзини
Тўрт сатрда кўрсатир.

Бугунги кун учун раҳматли шоирдан қирққа яқин шеърий тўплам, ажойиб ҳангомалар, ширин хотиралар қолди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
Жаҳон тиллари университети талабаси

"ШЕЪРНИНГ ЗЎРИ ТЎРТ САТР..."

Мулоҳаза

XX асрда яшаб, ижод қилган ўзбек носиру шоирлари ичида камтар, камсуқум шоир Толиб Йўлдош ўз ўрнига, ўз сўзига, ўз услубига эга ижодкорлардан бири эди. Унинг шеърларини жамлаган юпқа-қалин китоблари, фалсафий мушоҳадалар сингдирилган достонлари, топишмоғу қўшиқлари ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борган.

Жаҳон ҳамда Шарқ адабиёти дурдоналари билан таниш зукко шоирнинг поэтик қарашларида, тафаккурида миллийлик, анъанавийлик устувор эди. У ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳақиқат, инсонпарварлик сари талпинди. Одамларни яхшиликка, эзгуликка чорлашдан сира чарчамади.

Шоир китобларини варақлаб, улардаги содда, бироқ чуқур маъноли шеърлар билан танишган сари халқона мақоллардаги ҳаққоний руҳ, самимий образларга дуч келаверамиз. Худди шоир ўзи шеър ёзмаётгандек, балки пурҳикмат мақолларимизни шеърга айлантираётгандек. Бунинг учун, албатта, ижодкор қалбан ва жисмонан пок, фидойи бўлиши лозим.

Сен элдан қанчалар топма эътибор,
Ўзингдан ўзгани зарра кам тутма.
Заррадан атомлар мавжуд эканин
Ҳамиша ёдингда сақла, унутма!

Ўзбек халқига хос бағрикенглик ифодаси сифатида янграётган бу мисралар тагида, аслида, жамиятдаги кўзга ташланмас муаммо, қусур беркитилган. Шундай одамлар ҳам бор: бир айланиб ердан осмонга кўтарилиб қолади. Ўзини тенгсиз ҳисоблайди, ҳар қандай фикрини, мулоҳазасини қўл ростидагиларга, яқинларига бирдек сингдиришга уринади. Аммо "Ўзни эр билсанг, ўзгани шер бил", дейди доно халқимиз. "Карвон кўп — ризқи бўлак" — дунёда ҳамиша ва ҳаммавақт зўрдан зўр чиққан! Бу ҳаётнинг эскирмас қонуни. Бу тўртликнинг иккинчи кўринишдаги маъноси эса, жамият ва шахс ўртасидаги зиддиятга қаратилади. Жамиятдан айри ҳолда ҳам ёки жамиятда яшаб ҳам шахс мутлақлик даражасига чиқа олмайди. Оқимга қарши оққанларнинг ҳоли вой бўлади.

Толиб Йўлдош ўз фикрини кейинги тўртликларида давом эттиради:

Сипо сиринг олиб саволга тутар,
Ўзинг билмайсанки, сендан не кутар?
Токи тузоғига илинтирганда,
Қадим қадрдонлик расмин унутар!

Ёки:

Кўзингни очиб юр вақти-бемаҳал,
Пайингда юрганлар очиб қўймасдан.
Умринг қаймоғини шимир — ғанимат,
Сен ундан бехабар ачиб қолмасдан.

Буқаламунлик кайфиятида умр кечирадиган кимсаларга қарата айтилган бу сатрлар айни ҳақиқат. Инсон қадри тушиб, оқибат чекинган замонда, шоир айтаётгандек, "сипо"лар кўпайиб қолади. Мансабу ўткинчи ҳою ҳаваслар йўлида яқинлари тугул ўзидан ҳам кечишга тайёр бундай кимсалар тузоғига тушиб қолишдан худонинг ўзи асрасин, дея таъкидлайди шоир хавотир билан. Ахир, улардан вафо кутиб бўлармиди?! Фикрлаш даражаси паст одамлар, одатда, шундай кенг дунёни фақатгина ўзидан иборат, деб билади ва хато қилади. Аммо ҳамиша юз-кўзини инсонийлик ниқоби билан беркитиб юради. Бир кун келиб, унинг асл башараси фош бўлганда эса, кеч бўлиши муқаррар. Шунинг учун ҳар бир дили тоза инсон ҳушёр ва сергак бўлиши керак. Акс ҳолда, "умр қаймоғи"ни ачитиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Дўстлик... Бир аллома ўлар пайти: "Сендан ўзга дўстим йўқ, Худо!", деган экан. Шунинг учун ҳам дуч келган одамга кўнгил сирларини айтиб бўлмайди. Бироқ айрим дўстларнинг ичида шундай нодонлари, ичи кир, ҳасадгўйлари ҳам бўладики, улардан душман авлороқдек.

Ёмон дўст бу ёвдан ёмон,
Босган изинг кузатади.
Йиқилганда силланг қуриб,
Сув деб заҳар узатади.

Тўртлик ёзиш ҳар кимнинг қўлидан келиши мумкин, бироқ халқона ифодалар билан йўғрилган сатрларни парваришлаш ижодкордан чинакам истеъдод, маҳорат талаб қилади. Толиб Йўлдошда юксак миллатпарварлик хислати, фавқулодда закийлик, ноёб иқтидор бўлгани сабабли ҳам унинг ёзганларида ҳикматлар булоғи кўз очган. Одамларни ўйлашга, фикрлашга, фикрлаганда ҳам умуминсоний фазилатлар тантанаси ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди. Зеро, адабиётнинг бош вазифаларидан бири ҳам шу.

Толиб Йўлдош ёшлик айёмида умргузаронлик қилаётганларга юзлана, ёшлигингда умринг келажаги пойдеворини шундай мустаҳкам қургинки, токи қариганингда дилингда ҳеч қандай ҳадиксираш ва гумонлар яшай олмасин, демоқчи бўлади ушбу тўртлигида:

Бахтинг келди,
оғзинг билан қуш овладинг,
Вақти етиб,
ўз-ўзингни тушовладинг.
Хомлик қилдим,
деб ўтганга армон қилма,
Минг қозонга тушдинг,
лекин пишолмадинг.

Билимсизлик, уқувсизлик доимо бир кўнгилсизликни ортидан эргаштириб юради. Бундай кишилар бир омади чопганда, босар-тусарини билмай қолади.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
Жаҳон тиллари университети талабаси

Саҳифани М.Саъдий ва А.Отабоев тайёрлади.

МОЗИЙДАН КЕЛАР ҚУТЛУҒ БИР САДО...

Марғилон шаҳрида Ўзбекистон музейлари фестивали ўз ишини давом эттирмоқда.

Ўзбекистон — жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган мамлакатдир. Бу заминда яшовчи халқлар ўзининг қадимий тарихига эга.

Мамлакатимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарё ва Амударё оралиғида жуда қадим-қадимдан ҳаёт мавжуд бўлган. Табиатан бой бўлган Буюк Турон ерларидан ўтган халқаро савдо йўлларида қадимги шаҳарлар вужудга келган. Номи дунёга машҳур Самарқанд, Қарши, Бухоро, Хива, Марғилон, Тошкент каби шаҳарларнинг ҳар бири 20-25 асрлик тарихга эга.

Ушбу давр оралиғида бу ва бошқа қадимги шаҳарларимиз, уларда яшаган халқлар инсониятнинг моддий ва маънавий маданияти тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Бу заминдан кўп асрлар давомида Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Рим ва Европанинг бошқа турли шаҳарларига Буюк Ипак йўли карвонлари ўтган, бу ерларда буюк давлат арбоблари, саркардалар, шоирлар, меъморлару олимлар яшаган ва ижод қилган. Халқ орасидан етишиб чиққан уста ҳунармандлар бетакрор амалий санъат асарларини, жумладан, сопол ва мис буюмлари, сўзаналар, олтин ва кумуш безаклар, гилам ва бошқа уй-рўзғор буюмларини яратганлар. Маданиятимизнинг кўп минг йиллик тарихини акс эттирувчи бизгача етиб келган бу экспонатлар ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган музейлар фондларида сақланмоқда. Улар бутун инсониятнинг тарихий ва маданий бойлиги бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрдаги қарорига асосан Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Ўзбекистон музейлари фестивалининг асосий ғояси маданий меросимиз намуналари асосида Фарғона вилояти аҳолиси ва меҳмонларига Ўзбекистон музейларида сақланаётган тарихий осори-атиқаларни намойиш этиш орқали ёш авлодни халқимизнинг маданий меросига ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир.



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси ҳамда Республика "Ўзбекмузей" жамғармаси томонидан ҳамкорликда ўтказилаётган Ўзбекистон музейлари фестивали доирасида республиканинг барча вилоятларидан келган 27 та иштирокчи музейлар 2 мингга яқин экспонатлар асосида фестивал кўргазмаси экспозициясини яратиб, Марғилон аҳолисига намойиш этмоқдалар.

Фестивал доирасида марғилонлик ва бошқа вилоятлардан келган бир гуруҳ ҳунармандлар иштирокида амалий санъат кўргазмаси ташкил этилиб, унда 500 дан зиёд буюмлар кўргазмага қўйилган. Маҳорат билан ишланган заргарлик, мисгарлик, читгарлик, кулолчилик, зардўзлик буюмлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Фестивал экспозициясида тарихий ашёлар, тасвирий ва декоратив-амалий санъат асарлари, жумладан, мойбўёқ ва графика усулидаги суратлар, миллий кийимлар, матолардан намуналар, сўзана, гилам, заргарлик буюмлари, сопол, шиша, металл, тош ва бошқа материаллардан ишланган экспонатлар, ганч ва ёғоч ўймакорлиги ҳамда миниатюра ва бошқа санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Фестивал доирасида маҳаллий усталар томонидан яратилган замонавий санъат асарлари, санъатга оид китоблар, буклетлар, рангли каталоглар, музейларнинг реклама маҳсулотларини сотиб олиш имкониятлари яратилди.

Фестивал якунида энг фаол иштирокчилар вазирлик, вилоят ҳокимлиги ва республика "Ўзбекмузей" жамғармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Фестивал кунлари тадбир ўтадиган манзилда профессионал ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастурлари намойиш этилади.

Мустақиллик шарофати билан ўтказилаётган Ўзбекистон музейлари фестивали, ватандошларимизда халқимизнинг бой маданий мероси билан фахрланиш туйғусини кучайтириши, уларни янги-янги меҳнат зафарларига чорлаши табиийдир.

МЕДЕЯНИНГ АЗАЛИЙ ҚИСМАТИ

Ёш томошабинлар театрида "Медея" спектаклининг премераси бўлиб ўтди. Мазкур театр ҳамда "Эски масжид" театр-студияси ижодий ҳамкорлигида яратилган бу томоша Халқаро маданиятлар алмашиш Япония фондининг ташаббуси билан юзага келди. Спектаклга ўзига хос изланишлари, қизиқарли талқин услуби, оҳори тўкилмаган ифода воситалари билан театр жамоатчилиги эътиборига тушган режиссёр Авлиқули Хўжақули режиссёрлик қилган.

"Медея" спектакли Япония фонди томонидан таклиф этилган катта лойиҳанинг узвий қисми ҳисобланади. Бу лойиҳа аслида Осиё мамлакатлари билан маданиятлар алмашиш ташаббусининг муайян жараёни, давоми саналади. Лойиҳани амалга ошириш учун Ҳиндистон, Эрон ва Ўзбекистондан уч режиссёр ва актёрлар жалб этилди. Уларга асосий талқин ва тадқиқ манбаи Аёл бўлмиш юнон фожиалари мавзуига асосланган трилогия яратиш вазифаси топширилди.

Аёл — мавзуга ёндашишнинг истиорали манбаи ҳисобланиб, бугунги кун силсиласи, ҳозирги долзарб масалалар Иокаста, Медея ва Клитемнестра образлари орқали ёритиб берилади. Ана шу уч қаҳрамон бизни туғилиш, ўлим, муҳаббат, ғам-алам, уруш, вайронагарлик, дин ва динсизликнинг аёл идроки, ҳиссиётларидаги акс-садосига ошно қилади.

Ҳар учала ижодий гуруҳ ўз мамлакатларида алоҳида изланишлар очиб бордилар ва бу спектакллар Ҳиндистонда бирлаштирилиб, трилогия ҳолига келтирилди. Мазкур трилогия премераси 2007 йилнинг октябр ойида Япония театр жамоатчилиги эътиборига ҳавола этилади. Шу йилнинг январ ойида эса "Медея" спектакли Ҳиндистонда бўлиб ўтган "9-th Theatre Utsav Bharat Rand Mahotsav" фестивалида саҳна санъати шинавандаларининг юқори баҳосига сазовор бўлди. Фестивал классик драма, мусиқа ва рақсларни намойиш этиш мақсадида ташкил этилди. Бу фестивалда Полша, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Непал, Покистон, Бангладеш, Германия, Эрон, Ўзбекистон, Шри-Ланка, Австралия, Швейцария, Ҳиндистон каби мамлакатлар театрларининг 100 дан ортиқ спектакли намойиш этилди.

"Юнон фожиаларида Аёл қиёфаси — Медея, Иокаста, Клитемнестра" (Ўзбекистон, Эрон ва Ҳиндистон) лойиҳаси фестивалнинг асосий дастурини очиб берди. Фестивал жаҳон театр маданиятига мансуб улкан воқеага айланиб кетди.

Режиссёр Авлиёқули Хўжақули шаҳримиз театрларидаги актёрлар фаолиятини жиддий кузатиб боради. Аксарият актёрларнинг ички имкониятлари, қобилияти, маҳорати, овози, ижро услуби, ўзига хос жиҳатларини яхши идрок этади. Кимнинг нимага қодир эканлигини эътиборда тутиб, кўз остига олиб юради. Шу боис А.Хўжақули ижодига мансуб бошқа спектакллардаги каби "Медея"да ҳам ижрочи актёрлар турли театрлардан таклиф этилган.

Спектаклга режиссёр А.Хўжақулининг турли давр муаллифлари бўлмиш Сенека, Б.Гофман, Л.Разумовскаянинг "Медея" мотивлари асосида яратилган асарлари ва табиийки, Еврипиднинг сўнмас "Медея" фожеаси замирида кашф этган бадиий композицияси асос қилиб олинган. Зулайҳо Бойхонова (Медея), Аброр Йўлдошев (Язон), Мирза Азизов (Креонт), Наргиза Маъқулова (Главка), Фатхулла Хўжаев (Қул), Малика Иброҳимовадан (Энага) иборат тиришқоқ ва куюнчак ижодий гуруҳнинг яхлит интилиш ва изланишлари режиссёрнинг муҳим ютуғи бўлди.

"Медеянинг тақдири азали" деб аталмиш бу саҳна композициясида услублар, даврлар, воқеликни идрок этиш йўсинлари, пластик воситаларнинг қўлланиши, оҳанг ва мусиқа йўналиши саҳна асарини муайян шаклга келтирган. Спектакл муаллифлари Артем Ким (мусиқа раҳбари), Малика Искандарова (балетмейстер), Мария Сошина (либослар бўйича рассом) ва постановка бадиий раҳбари Авлиёқули Хўжақули бири-бирига зид, бирлаштириб бўлмайдиган мотивлар, ҳаракатлар, ҳиссиётларни узвий боғлаш йўлидан борадилар. Мазкур томошанинг эътиборталаб томони ҳам шунда.

Спектаклда режиссёр айрим ўринларда чинакам ўзбекона оҳанглар, нола ва қўшиқлардан ўринли фойдаланган. Бу, айниқса, Медея, Язон, Главка роли ижрочилари З.Бойхонова, А.Йўлдошев ва Н.Маъқулова ҳаракатларида кўзга ташланади. Ҳар учала ижрочи, айниқса, Зулайҳо Бойхонованинг ижро имкониятлари кенг эканлиги мазкур спектаклда ўз ифодасини топган. Бинобарин, режиссёр ва продюссерлар бу санъаткорларнинг қобилият ва маҳоратидан бошқа Халқаро маданий лойиҳаларда ҳам фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мазкур ижодий гуруҳ томонидан намойиш этилган "Медея" спектакли Япония фонди дастурининг давоми бўлмиш қатор хорижий давлатларда бўладиган фестивал ва кўрик-танловларда ҳам иштирок этиб, театр санъати шинавандаларининг олқишига, мутахассисларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлишига шубҳа йўқ.

Ф.ФАЙЗИЕВ

САНЪАТШУНОСЛАР УСТОЗИ

Қутлаймиз!

Муҳсин Қодиров номи тилга олинганда кўз ўнгимизда театр танқидчилиги ва тадқиқотчилигини баравар олиб бораётган ва айни пайтда фолклоршуносликда ҳам баракали ижод қилиб келаётган илм фидойиси намоён бўлади. Зеро, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, санъатшунослик фанлари доктори Муҳсин Қодировнинг ўзбек санъатшунослик фани ривожига қўшаётган ҳиссаси ниҳоятда катта. Олим миллий анъанавий қўғирчоқ театрининг тарихий илдизларини излаб топиб, қўғирчоқбозлик миллий маданиятимизнинг энг муҳим турларидан бири эканини исботлади. М.Қодиров қўғирчоқ театри тадқиқи билан чекланиб қолмасдан, қизиқчилик ва масхарабозлик санъатига оид бир қатор илмий мақолалар чоп этди, кенг кўламли тадқиқотлар олиб борди.

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти қошида ташкил этилган аспирантурага қабул қилинган М.Қодиров Халқ театри анъаналарини ўрганишни олдига мақсад қилиб олди. Ўзбек халқ театри тарихи бўйича М.Раҳмонов, Т.Обидов, Т.Турсунов каби олимлар изланишлар олиб борган эдилар. М.Қодиров бу мавзу доирасининг нақадар кенглиги ва бойлигини англаб, мазкур соҳа билан астойдил шуғулланишга аҳд қилди. Шу мақсадда доимий фолклор экспедицияси таркибида Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятларини қишлоқма-қишлоқ кезиб, халқ томошалари ва ўйинлари тафсилотларини ёзиб олди, 300 га яқин ижрочини аниқлаб, ҳаёт бўлган элликка яқин томоша кўювчилар билан суҳбат олиб борди. Экспедицияларда қўлга киритилган маълумотлар "Ўзбек халқ оғзаки драмаси" номзодлик диссертациясига асос бўлди.

Фарғона водийси бўйлаб фолклор экспедициялари уюштирган вақтида олим 250 дан зиёд қизиқчилик, масхарабозлик, қўғирчоқбозлик, муқаллидлик асарлари, аския пайровларини ёзиб олди, кўпгина ижрочиларни суратга туширди, халқ томошаларининг 200 йиллик тарихини, 400 га яқин ижрочи ҳаёти ва фаолиятини аниқлади, оператор И.Т.Гавриленко ёрдамида кинофилм яратди. Мана шу маълумотларнинг бари "Масхарабоз ва қизиқчилар санъати" тадқиқотида жамланган. Китобда фолклор асарларидан тортиб, ёзма тарихий-этнографик маълумотларгача, халқ ижодкорлари билан қилинган суҳбатлар, сайёҳларнинг хотиралари ва бошқа манбаларни учратиш мумкин. XVIII аср охири ва XIX аср бошида яшаган Дейдиёр шум, XIX асрда донг таратган Зокир эшон ва унинг труппаси, уларнинг меросини ҳозирги кунимизгача олиб келган машҳур санъаткор Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ва бошқа қизиқчилар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Олимнинг докторлик диссертацияси 1976 йили "Ўзбек театри анъаналари" номи билан китоб ҳолида нашр қилинди. Бу китоб М.Қодировнинг ўзбек халқ театрини ўрганиш борасида олиб борган кўп йиллик изланишлари

якуни сифатида дунёга келди.

Шуниси эътиборлики, домла илмий-текшириш ишларини бадиий ижод билан қўшиб олиб бораётган ижодкордир. Драматург сифатида ўндан ортиқ пиеса ёзди, уларнинг аксарияти болаларга мўлжалланган бўлиб, республикамиз театрларида саҳналаштирилган. М.Қодиров янги давр театримиз тарихини ва намояндаларини ўрганиб, "Сеҳр ва меҳр" (1980), "Ўзбек халқ томоша санъати" (1981), "Саҳнамиз лочинлари" (1986) каби китобларини ёзди.

Ўзбекистонда театршунослик фанининг шаклланишида, юқори малакали мутахассисларни тарбиялашда Муҳсин Қодировнинг ҳиссаси катта. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида кўплаб фан номзодлари, фан докторлари етишиб чиққан.

Мехрибон устоз Муҳсин Қодиров ўта талабчан, изланувчан ва қатъиятли мураббий бўлганлиги учун шогирдларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Шогирдларидан узлуксиз изланишни талаб қилади, улар билан оталарча ғамхўр, маслаҳатгўй ва дўст сифатида мулоқотда бўлади.

"Устоз отангдек улуғ" дейди доно халқимиз. Кўп олиму санъат аҳли ўзига устоз, деб билган шундай камтарин, фариштали, мўътабар инсоннинг шогирди бўлганимдан фахрланаман. Бутун умрини, куч-ғайратини ўзбек театршунослиги ва фолклоршунослиги равнақига, ёшлар тарбиясига бахшида қилиб келаётган мураббийни қутлуғ ёши билан табриклаб, мустаҳкам соғлиқ ва илмий-ижодий фаолиятида янги зафарлар тилаб қоламиз.

Нилуфар КУМУШЕВА,
Тошкент давлат Санъат институти ўқитувчиси

СУРАТДА: Муҳсин Қодиров (чапдан биринчи) ҳамкасблари даврасида.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан вояга етмаган ёшлар тарбиясига масъуллик мавзуида давра суҳбати ўтказди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Азамат Ҳайдаров, Собир Раҳимов туман ҳокими ўринбосари Баҳодир Усмонов, Халқ ижодиёти маркази директор ўринбосари Ўткир Тоҳиров, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия-жамғармаси бош мутахассиси Умида Дўстмуҳамедова ёшлар тарбиясининг муҳим жиҳатлари хусусида сўзладилар. Режиссёр М.Мирзаҳмедов, халқ таълими ходими М.Сафоева, "Беруний майдони" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Давронова, подполковник И.Расулов, "Гунча" журнали бош муҳаррири, шоира У.Абдуазимова, "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши вакиллари М.Турсунбоев, А.Халиловлар ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Н.ИСМАТОВА

ИЖОДИЙ КЕЧА

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва хонанда Аҳмаджон Дадаевнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди.

А.Дадаевнинг ижод намуналари ижро этилган дастурда устоз санъаткор Ғуломжон Ҳожиқулов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар, Маҳмуджон Йўлдошов, Ўзбекистон халқ артистлари Абдуҳошим Исмоилов, Абдулаҳад Абдурашидов, Муножот Йўлчиева, Замира Суюнова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Матлуба Дадабоева, Насиба Сатторова, Ҳурриият Исроилова, хонандалар Раъно Бўронова, Абдували Бердиевлар иштирок этдилар.

Ижодий кеча консерватория талабалари учун катта маҳорат мактаби бўлган бўлса, меҳмонлар учун маънавий ҳордиқ бўлди.

Л.АБДУЛЛАЕВА

Пойтахтимиз ва вилоят театрларида "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси лойиҳаси асосида бир неча асарлар саҳнага қўйилмоқда. Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри пойтахт саҳнасидаги ўз ижодий сафарини шу лойиҳага биноан яратилган "Руҳлар исёни" шеърий драмаси билан бошлади.

ҚАШҚАДАРЁ ТЕАТРИ ПОЙТАХТ САҲНАСИДА

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов достони асосидаги спектакл Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр Эргаш Масафоев томонидан саҳналаштирилган. Асарнинг бош ғояси истиқлолни улуғлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ёшлар қалбида жасорат, шижоат ва фидойилик руҳини уйғотишдан иборат. Шуни айтиш керакки, бу спектакл истеъдодли режиссёр Эргаш Масафоевнинг сўнгги ижодий иши бўлиб қолди.

Вилоят саҳнасида муваффақият билан намойиш этилаётган бу асарни энди пойтахт театр мухлислари ҳам кўришга муваффақ бўлдилар. Тошкентга ижодий сафар билан келган жамоа 27 феврал куни Ўзбек Миллий академик драма театри биносида "Руҳлар исёни" спектаклини мухлислар ва мутахассислар эътиборига ҳавола этди. Асар намойишидан олдин "Ўзбектеатр" бирлашмаси бош директори Омон Ризаев, Қашқадарё вилоят театри директори Коммуна Қиёмова ва Миллий театр директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов томошабин ва меҳмонларни қутладилар.

Достоннинг асосий қаҳрамони, отаси бенгал шоири Назрул Исломнинг "Туғилгансан озод, мудом озод бўлиб қол!" деган ўтли сатрлари спектаклнинг лейтмотивини ташкил этади. Саҳна асарининг томошабинга таъсир кучини ошириш, саҳна ва зал ўртасида ўзаро мулоқот ўрнатишда ўзбек шоири образи алоҳида ўрин тутади. Бу образни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Одилжон Исмоилов маҳорат билан яратган. Қолган ролларни Саъдулла Қорабоев (Назрул Ислом), Қурбон Бердиев (Рудакий), Ҳақберди Амирқулов (Фирдавсий), Бахтиёр Элмуродов (Навоий), Шуҳрат Ризвонов (Бобур), Раъно Мустафоева (Она Ҳиндистон), Музаффар Тўрақулов (Шоҳ), Бахтиёр Элмуродов (жангчи), Нилуфар Жалилова (жангчининг хотини) каби актёрлар ижро этдилар.

Асар ғоясининг очилиши ва, спектаклнинг барча жиҳатлари ўзаро уйғунлик ҳосил қилишида рассом Азамат Сатторов, пардозчи Валентина Абдуқундузова, мусиқа танловчилар Зафар Исоқулов ва Зафар Мингишевнинг хизматларини алоҳида қайд этиш зарур.

Спектакл намойиши вақтида томошабинларнинг саҳнада кечаётган воқеаларга муносабати, томоша сўнгидаги гулдурос қарсаклар жамоанинг ижодий меҳнати ғоят самарали бўлганини тасдиқлаб турди. Томоша ниҳоясида санъаткорларга миннатдорлик изҳор этган асар муаллифи Эркин Воҳидов "Руҳлар исёни" достоним бундай гўзал саҳна асарига айланади, деб ўйламагандим. Достон шу вақтгача меники эди, энди — спектаклга айлангандан кейин сизларники бўлди", — деди.

Халқ шоири ролини ижро этган актёр Одилжон Исмоиловдан спектаклнинг яратилиш жараёни ҳақидаги фикрларини сўрадик:

— Бу асар таниқли режиссёр Эргаш Масафоевнинг сўнгги иши бўлганидан ниҳоятда афсусдамиз. Лекин бугун, пойтахт санъат мухлисларига "Руҳлар исёни" манзур бўлганини ўйласак, у кишининг руҳларини шод этганимиздан кўнглимиз кўтарилади.

Асарни саҳналаштириш жараёнида у кишининг ўзига хос режиссёрлик фалсафаси аён сезилиб турди. Ҳар биримизнинг шеър устида ишлашимизни кўриб чиқдилар. Айниқса, ҳар бир актёр билан эринмасдан алоҳида-алоҳида ишлашлари бизни қойил қолдирди. "Руҳлар исёни" достонини қайта-қайта ўқишимизни, ҳар бир сўзни тушуниб талаффуз қилишимизни талаб қилдилар. Машаққатларимиз бежиз кетмаганини бугунги томоша тасдиқлаб турибди.

Жамоамиз Тошкентда, Миллий театр биносида мутахассислар ва пойтахтликларга ижодий ҳисобот бериб, дастлабки кўрикдан муваффақиятли ўтганидан хурсандмиз.

Театр жамоаси "Жаҳаннамга бир қадам" спектаклини ҳам намойиш этдилар. Режиссёр Карим Йўлдошев Иноммжон Турсунов асари асосида саҳнага қўйган бу спектакл ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Г.УМАРОВА

Р.ИСЛОМОВ олган суратлар.

Доимий ҳамроҳ

Мусиқашунос ва педагог Лола Обидованинг "Жаз ва замонавий эстрада-мусиқий услублари тарихи" номли қисқа очеркларидан иборат ўқув қўлланмаси "Турон-Иқбол" нашриётида чоп этилди. Мазкур қўлланмада Ўзбекистонда илк бор эстрада мусиқасининг жаз, рок ва оммавий мусиқа йўналишларига аниқлик киритилади. Рисолада XIX аср охиридан бизнинг давримизгача бўлган мусиқий эстраданинг тарихий тараққиёт йўли, асосий жанрлари, услублари ва йўналишлари орасидаги мантиқий боғланишлар ҳақида фикр юритилади. Бунда, шубҳасиз, муаллифнинг мусиқашунос-танқидчи сифатидаги фаолияти қўл келган. Шунингдек, Л.Обидова "Ўзбекистон — Италия, 2003" халқаро жаз фестивали лауреати, консерваторияда эстрада мусиқаси кафедрасини очишда жонбозлик кўрсатган, жаз тарихи, шоу-бизнес асослари, эстрада санъати тарихи ва назарияси ҳамда эстрада ижросини ўқитиш методикаси бўйича маърузалар ўқиган. Бинобарин, мазкур монография Л.Обидованинг шоу-бизнес соҳасидаги кўп йиллик мустақил изланишлари самарасидир.

Китобнинг алоҳида саҳифаларини муаллиф ўз ўқувчилари — таниқли эстрада хонандалари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари Севара Назархон ҳамда Сўғдиёнага (Оксана Нечитайло) бағишлаган.

Қўлланма маданият ва санъат ўқув юртлари эстрада бўлимлари талабаларига мўлжалланган, китобхонлар ундан ўзларини қизиқтирган маълумотларни олишлари мумкин.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Японияннинг Ибараки шаҳридаги Арт Жазз институти талабаси Ю.Кохага Бухоро шаҳрига ўзбек миллий рақсларини ўрганиш учун келган эди. У Самарқанд ва Тошкент хореография коллежларида тошкентча, фарғонача, хоразмча рақсларни ўрганиб, Бухоро вилоят академик ва халқ жамоаларида бухорча рақслардан сабоқ олмоқда.

Кохага вилоятнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган ва "Наврўз" умумхалқ байрамларида ўз рақслари билан иштирок этади.

М.КАРИМОВА

ЭНАЖОНИМ БУРОРИМ...

Сўз — хазина

Қўйлакларимнинг ёнига
Жанона бўлган онам.
Болаларимнинг бошида
Парвона бўлган онам.

Умр қанчалик елдирим. Кечагина бувиларимиз бизга парвона эди. Бугун эса ўзимиз парвона бўлиб қолдик болаларимизга, невараларга.

Бешикни яхши кўраман. Бешик уйга ўзгача файз бериб туради. Болаларим бизникига тез-тез келиб туришади. Қайси бири келсаям, қўлида ёш боласи бўлади. Гўдаклар қийналмай ором олиб ухласинлар деб ота-оналари катта бўлган эски бешикни тузаб қўяман. Қандай қилиб денг? Қовузловини янгиладим. Пахтани савағич билан савалаб, юмшоқ қовузпешлар, жажжи ёстиқчалар қопладим. Қўлбоғларини қувониб тикдим, қўшиқлар айтиб тикдим, қўша-қўша оппоқ ниятлар тилаб тикдим, ўзимни унутиб тикдим. Энам айтарди: "Бешик боланинг ўтови, уни ҳеч қачон ялангоч қолдирма, ўзига ярашиқли, уйни очадиган рангдаги кўрпачани тўшаб, сўнг унинг устига бешикни қўй".

Худди шундай қилдим. Бу ишларимни албатта шу бугун тугатмасам бўлмайдигандек туюлаверади. Янги бешик ёпқични ёпиб, унга яқиндан туриб қарадим, узоқроқдан туриб кўзим тўймай қарадим, жудаям роҳат қилдимки, жудаям яйрадимки!

Ишимни тугатдим, энди бир пиёла чой ичай деб газга чой қўювдимки, эшик жиринглаб қолди. Қарасам, қизларимнинг кенжаси, қўлида оппоқ кийинтирган қуёнчадай юмшоқ беш ойлик ўғилчаси, ёнида кўзлари кўзмунчоқдек икки ярим яшар қизчаси турибди. Эшикни очганимдан уй болаларнинг ширин шовқинига тўлди. Ўзим-ку қувонганимдан ҳеч ерга сиғмай кетдим. Юқоридаги қўш байтнинг дастлабки икки жуфтини ўқийман:

Қўйлакларимнинг ёнига
Жанона бўлган онам.

Қадимда қиз ва келинчакларнинг либослари жуда чиройли нусхалар қўйиб тикилар экан. Масалан, қўш этак, жонона, чиндаки хаёл, атиргул, толим-толим ва бошқа турфа хил безаклар. Оналар қизлари ва келинларига қўйлак тикаётганларида ўша нусхаларнинг энг ярашиқлисини, энг чиройлисини бежирим қилиб ўрнатишга эришар эканлар. Улар ўша пайтда ўзларининг либосларига ҳам шундай нусхалар ўрнатишни хаёлларига келтиришган дейсизми? Қаёқда! Аввал келин ва қизларига, кейин ўзларига, унда ҳам болаларининг, набираларининг ширин ташвишларидан ортиб, вақт топишса. Улар ўз фарзандларини жудаям гўзал, ақлли кўришни хоҳлаганлар. Юқоридаги тўртлик неча минг йиллардан буён оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келаётгани аниқ.

Бундай гўзал халқ қўшиқларининг қанча-қанчаси бизнинг қунтсизлигимиз туфайли унутилиб кетди.

Кўнглимда яна ёруғлик пайдо бўлди. Байрамларда, Ҳайит кунлари, Наврўз шодиёналарида кексайган, ғаниматнинг онамни бағримга босиб, момоларимиздан мерос юқоридаги сатрларни такрорлайман:

Қўйлакларимнинг ёнига,
Жанона бўлган онам.
Болаларимнинг бошида
Парвона бўлган онам.

Сўнг, кўксим фахрга тўлиб тан бераман. Тилимиз нақадар гўзал, ҳар бир сўзда сеҳр, жозиба бор.

Энажоним — бурорим,
Буриблар сўйлаб турорим.

Бу байтни энамдан эшитганимга бир неча йил бўлди. У мени бағрига босиб кўришаётиб шу сўзларни тўлиб-тошиб такрорлаган эди. Ўшандан буён эслаб юрган бўлсам ҳам, уларни шарҳлашга ўзимда етарли куч топа олмадим. Нега? Дунёга келиш ва кетишнинг буюк қонуни асосида ер яширган катта эна ва катта момоларнинг ақл-заковати, меҳри, жонҳалаклиги бор бу сўзларда.

Энажоним — бурорим.

Буроримга эътибор қилинг. Она дунёдаги нимаики яхшилик бўлса, тинчлик-хотиржамликми, ярашиқли либосми, тотли таомми, ўзидан аввал фарзандига буради, илинади. Ҳатто, одамнинг кайфиятини кўтарадиган бирон-бир кулгили гапми, яхши хабарми, шуни ҳам дарров боласига етказади, унга буради, боласи тезроқ эшитса-да, қувонса! Буриблар сўйлаб турорим.

Диққат қилинг, узатган қизини ёки алоҳида яшайдиган ўғлини ҳар қандай шошилинч дақиқада, кўпчилик тўпланган тўй-маъракаларда кўриб қолса ҳам, ўзига буриб қаратиб, астагина "Қандайсан болам, тинчмисан, соғмисан" деб сўрамайдиган онани топа оласизми? Йўқ! Чунки она фарзандидан ҳамиша огоҳ бўлиб туради.

Нега "буриб сўрайди" эмас, "буриблар сўрайди"? Чунки тилимизнинг кўзга сурғулик оҳори, ҳарорати ана шу "лар" қўшимчасида, шу билан юракка яқин. "Лар"да шунча меҳр товланиши борлигини қаранг! Агар "Буриб сўйлаб турорим" бўлганида, "лар" қўшилмаганда, бу байтдаги жонҳалаклик, меҳрибонлик, эркалаш, суйиш меъёри пасайган бўларди.

Иззатли ўқувчим! Энди юқоридаги байтни яна бир бор овозингизни чиқариб, қайтадан, юракдан, ўқинг. Оддий сўзларнинг гўзал оҳангдошлигини, улардан меҳр-оқибатнинг тўкилишини ҳис этаяпсизми?! Менинг эса улар ҳақида топганларим фақат меҳрибонлик, жонҳалаклик, огоҳлик, фидойилик каби китобий сўзлар бўлди, холос. Булар эса юқоридаги байт олдида жуда жўн ва оддий бўлиб қолди.

Ўзимча, шу икки байтни тишим ўтганча таърифладим, деб турсам, бу байтнинг яна бир қирраси яркираб кетди. Мен — фарзанд. У киши она-ку! Нега бу сатрларни мен айтмай, энам айтди? Ҳа, ўйлаб-ўйлаб топдим! Она фарзанд учун қандай огоҳ бўлса, ота-она кексайганда фарзанд улар учун шунчалик огоҳ бўлиши кераклигини уқтирган экан. Энди тушундим, туғруқхонадан уйга келганимда қиз туғилган чақалоғимни энам нега "энажоним, энажоним", деб қўлидан қўймай эркалаб суйишини.

Фикримга нуқта қўйдим, деб ўйловдим. Йўқ, ундай бўлмади. Фарзандини ўзига буриблар сўйлаётганда қайси она ёмонларга ёндошма, яхшилардан адашма, деб тайинлашга улгурмайди?! Фарзандини кўрмаганда-чи, унда у огоҳлигини янаям кучайтиради. У ҳар куни беш вақт номозини ўқиб бўлгач, элга тинчлик, осойишталик, соғлик, омонлик, тўрт-кўз тугаллик ва тўкинлик тилаб, эл қаторида ўзининг "ёмонгина" болаларига ҳам юқоридаги буюк неъматларни Оллоҳдан илтижо қилиб сўрайди.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

Ғулом ШОМУРОД

Ғарғи олис бизлардан уммон



ФАРДЛАР, ИККИЛИКЛАР

* * *

Туташингдан чекма ранж, алам,
Сен яшайсан қоғозда, қалам!

* * *

Дардманд бўлсанг, дарддан нолима,
Ачин, бедардларнинг ҳолига.

* * *

Ерда ётган заъфарон япроқ,
Ўксимагин, аслимиз тупроқ.

* * *

Эшакка ҳам оғир юк ортма,
Золим деган номни орттирма.

* * *

Кучинг кам-қўплигин ғайратинг айтур,
Ақлинг кам-қўплигин суҳбатинг айтур.

* * *

Сифатдир одамга: яхши ва ёмон,
Бирин раҳмон берган, бирисин шайтон.

* * *

Қоғоз тинглаб қаламни роса,
Дардларини этди овоза.

* * *

Энагаси ўзингсан, қуёш, ушбу оламни,
Меҳрингни дариғ тутма,
асра гўдак болангни.

* * *

Чумолининг бели нозик қил каби,
Лекин ишлар у тинмайин фил каби.

* * *

Сабрнинг тагидир аслида олтин,
Буни билавермас гоҳ эр, гоҳ хотин.

* * *

Ғамни енгар на мол, на давлат,
Уни енгур сабр ва тоқат.

* * *

Иззат қўрсанг ҳурматинг сабаб,
Роҳат қўрсанг меҳнатинг сабаб.

* * *

Гарчи олис бизлардан уммон,
Тўлқин урса, қалбимда сурон.

* * *

Оллоҳ берган неъматнинг саноғи йўқ,
Илму ҳикмат, адабнинг адоғи йўғ.

* * *

Бунча ёниб, ялтирайсан
сабуҳий шабнам,
Сенинг умринг ўйлаб менинг
кўзларимда нам.

* * *

Майли кулгил, йиғлагил майли,
Буларсиз жўн бу ҳаёт асли.

* * *

Япроқлар сарғайиб келса ҳамки куз,
Дилингда ёз тафти ўчмабди ҳануз.

* * *

Дономисан ва ёки бефаҳм,
Сўз — лутфингдан аёнсан, одам.

* * *

Ҳар дамингга айласанг шукур,
Қўшилади умрингга умр.

* * *

Суратини кўриб дейдилар: мулло!
Сийратини кўриб: астағфурулло!

* * *

Сенга ҳеч ким беролмас мадад,
Юрагингда бор экан ҳасад.

* * *

Гули бўлса у — гултувак,
Гул бўлмаса бир пул тувак.

* * *

Бесабаб бўлмайди эшак ҳанграши,
Итнинг вовуллаши, булбул сайраши.

* * *

Кўнгли очиқнинг — қўли очиқ,
Қўли очиқнинг йўли очиқ.

* * *

Кўз очиб юмгунча ўтди баҳор, ёз,
Куз келди, шошил сен, қишга қолди оз.

Дунё—кенг...

СЎЗ ҚУДРАТИ

Фанда маълумки, ДНК молекуласи ўзида генетик маълумотларни сақлайди. XX асрнинг ўрталарида мияга ва асаб ҳужайраларига эга бўлмаган бу молекулаларда хотира қаёқдан пайдо бўлган, деган муаммо пайдо бўлган эди. Кейинчалик маълумотлар сирли тўлқинларда сақланиши маълум бўлди ва улар солитонлар, деб номланди. Улар ўзини ақлли мавжудотдек тутишаркан. Бироқ олимлар бу мўъжиза сирини тушунтира олишмади.

Орадан қирқ йилча ўтиб, Пётр Горяев бошчилигида рус олимлари ҳужайралар ҳаракатини махсус ускуналар ёрдамида кузатишга муваффақ бўлишди. Сирли тўлқин ДНК занжири бўйлаб югурар ва гўё ундаги жамики ирсий маълумотларни "ўқиркан". Бироқ бу кашфиёт бошқа муаммоларни келтириб чиқарди: солитонлар ҳаракатга келиши учун буйруқни қаёқдан олади? Бизнинг мовий сайёрамизда бунчалик мураккаб ва айни пайтда олдиндан ўйланган сценарий бўйича ҳаётни қарор топтирган ким? 90-йилларда солитонларга магнитафонга ёзилган одам нутқи таъсири ўрганилди. Натижа ҳайратланарли эди: одам нутқи таъсирида солитонлар ғоятда фаоллашди, гўё тирилишди. Шундан сўнг, кучли радиоактив нурланиш олган буғдой доналари текширилди. Нурланиш оқибатида ДНК занжирлари узилиб, уруғлар яроқсиз ҳолга келган. Бироқ уларга "гап ўргатилган" солитонлар билан ишлов берилганда, уруғлик донларнинг ярми кўкарган. Микроскоп орқали "тирилган" буғдой доналаридаги радиация бузган хромасомаларнинг тикланиши кузатилган.

Наҳотки, оддий сўзлар ўлик ҳужайрани тирилтирса, деган саволга жавоб бераркан, академик В.Луговенко қуйидагиларни таъкидлайди:

— Бу жуда ҳам оддий сўзлар эмас, балки муайян оҳангга солинган, дуо ёки сарбаст шеър мусиқасини эслатувчи сўзлар эди. Одам нутқи таъсирида солитонларнинг тириклик қувватига эришгани мўъжиза-ю, бироқ бу факт.

Унинг уқтиришича, сўз материяга таъсир кўрсатади, сўз яратиши ёки вайрон этиш қудратига эга. Дуолар ёрдамида соғайишни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Қолаверса, айтилмай қолган сўз — фикр ҳам озмунча кучга эгамас. Биз бировга ҳавас ёки ҳасад қилиб, кимгадир ёмонликни соғиниб ва фикран ундан қасос олган бўлиб, бу ўй-фикрларимизнинг ўзи вайронгарчилик келтириб чиқариши мумкинлигини ўйламаймиз. Табиий офатлар, ҳалокатлар, урушлар — ана шундай номақбул фикр-ўйлар оқибати эмасмикан?!

Сизнинг назариянгиздан келиб чиқилса, вазиятни яхшилаш мумкинми, деган саволга академик В.Луговенко шундай жавоб берган:

— Кейинги икки йил мобайнида биз АҚШ ва Ҳиндистондаги ҳамкасбларимиз билан фикрларнинг сайёрамиз ҳолатига таъсири бўйича тажрибалар ўтказдик. Бунинг учун кўплаб одамлар ўз ихтиёрлари билан дунёнинг турли шаҳарларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб йиғилишиб, макондаги муайян нуқта ҳақида фикр юритишга уринишди. Яқинда ўтказилган шундай тажрибалардан бирида олтмиш минг, бошқасида юз минг киши қатнашди. Тажриба давомида бунёдкорлик, эзгулик ҳақида фикрлаш шарт қилиб белгиланди. Биз фикр йўналишининг нуқтаси қилиб Бағдод шаҳрини тайин этдик. Бу пайт Бағдодда уруш бўлаётган эди. Тажриба чоғида ва ундан кейинги икки кун мобайнида шаҳарда жанглар тўхтади, жиноятчилик хийла камайди. Кейин қора, вайронкор кучлар устун келиб, Ироқда қон тўкилишлар яна жонланди. Бундан ажабланмаса ҳам бўлади: ёмонлик эзгуликка қараганда фаолроқ. Бироқ Ердаги барча одамлар ибодат қилишиб, чин дилдан тинчликни тилашса, ишончим комилки, она сайёрамиздаги вазият тубдан яхшилик тарафига ўзгаради.

Албатта, бу эътирофга ишониш осон эмас...

— Тушунаман, — дейди олим, — бироқ биз ҳаракат қилсак, ҳеч нарсани йўқотмаймиз. Ҳаракат қилмаган тақдирда эса, ҳамма нарсани йўқотишимиз ҳам мумкин.

"ШИНЖОН ХАЛҚ НАШРИЁТИ"НИНГ ТУҲФАСИ

Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин Хитой Халқ республикаси билан маданий-адабий алоқалар ҳар томонлама кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ижодкорлари иштирокида санъат ва маданият ҳафталиклари, кинофестиваллар ўтказилаётгани бунинг ёрқин исботидир. Айни чоғда Хитойнинг энг нуфузли нашриётлари ўзбек адибларининг сара асарларини чоп этиб мамлакат китобхонларига тақдим этаётгани ҳам қувончли ҳолдир. Хусусан, Шинжон нашриётлари кейинги йилларда Абдулла Қодирий, Ойбек, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов ва бошқа бир қатор ўзбек ёзувчиларининг китобларини уйғур тилида ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилди.

Яқинда "Шинжон халқ нашриёти"да яна бир ўзбек адибининг китоби ўқувчилар қўлига тегди. Иқтидорли шоир ва ёзувчи Абдусаид Кўчимовнинг "Ҳаёт ҳукми" деб номланган шеърлар тўплами моҳир таржимон Ушур Аҳмад томонидан уйғурчага ўгирилди. 2000 нусхада чоп этилган мазкур тўпламга шоирнинг мустақилликни улуғловчи шеърлари, ёшларимизнинг қайноқ ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи "Чаноқ" достони киритилган. Асар безакларини таниқли рассом Мамат Ниғмат ишлаган. Абдураҳмон Абай ва Аҳмад Эмин китобга муҳаррирлик қилишган.

"Ҳаёт ҳукми" А.Кўчимовнинг уйғур тилидаги иккинчи китобидир. Аввалроқ "Шинжон ёшлар ва ўсмирлар нашриёти"да адибнинг "Ҳалқа" номли қисса ва ҳикоялар тўплами чоп этилган эди. Китобдаги "Қайта туғилган бола", "Оқ каптарлар ороли", "Баланд тоғлар остида", "Ҳалқа" каби қисса ва ҳикояларни уйғур китобхонлари севиб ўқишмоқда.

"СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биносида *(Ўзбекистон кўчаси, 16А-уй, 6-қават, метронинг "Халқлар Дўстлиги" бекати. Тел: 395-95-38, 395-98-19)* 5 март куни соат 11:00 да Хотин-қизлар байрамига бағишланган **"Сен баҳорни соғинмадингми?"** деб номланган мушоира бўлади.

Мушоирага шоир-шоиралар, ёзувчилар, журналистлар ва барча адабиёт ихлосмандлари таклиф этилади.

Ушбу белги остида эълон қилинаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳомийлигида тайёрланган.

ЭР КИШИ ШАФҚАТЛИ БЎЛАДИ

Қуръони каримда бундай баён қилинади: ***"Ўз жинсларингиздан сизлар учун жуфти ҳалоллар яратиб берди, токи улар билан ҳаловатлик умр қургайсизлар. Ўрталарингизда меҳр-муҳаббат туйғусини пайдо қилди. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишоналаридандир. Ақл-идрокли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишорат ва аломатлар бордир"*** (Рум, 21).

Оила инсоннинг дунёвий саодати қўрғонидир. Унда доимо тинч-тотувлик давом этиши учун эр ва хотин ўзларининг вазифалари, бурчларини тўлиқ адо этиб боришлари лозим.

Уйланиш ниятидаги киши ўзига жуфти ҳалол танлаш вақтида, қиз (аёл)нинг фақат хуснига ёки бойлигига алданиб қолмасдан, унинг хулқу одоби, дину диёнатига албатта аҳамият бериши лозим. Чунки баъзилар қизнинг ота-онаси бойлигига қизиқиб уйланади. Сўнг миннат балосига гирифтор бўлади. Аёлнинг хусну жамолига учиб уйлангач, афсус-надомат чекканлар ҳам учраб туради.

Шу боис динимиз ахлоқ-одобли, оқила, иболи, ҳаёли жуфти ҳалол танлашга буюради. Бинобарин, қиз боланинг яхши рўзғор соҳибаси, келажакда ўз фарзандларига суюкли, меҳрибон она бўлишида диндорлигининг катта таъсири бор.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қилганлар: "Албатта, Аллоҳ таоло аёллар билан яхши муомалада бўлишингизни тавсия этади. Чунки улар сизларнинг оналарингиз, қизларингиз ва холаларингиздир..." *(Табароний ривояти)*; "Қизлари кўп уйда барака бўлади" *(Ажлий ривояти)*.

Шундай экан, уларни эъзозлаш, ҳурмат қилиш ва уларга шафқатли бўлиш инсоний бурчимиз эканини асло унутмайлик.

Ҳар бир инсон учун энг азиз ва мўътабар зот унинг онасидир. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Муовия ибн Ҳайда: "Ё Расулуллоҳ, энг аввало кимга яхшилик қилай", деб сўраганида, у зот: "Онангга, онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил", деганлар.

Яратганнинг қудрати ва ҳикмати туфайли дунёдаги барча мавжудот жуфт-жуфт бўлиб ҳаёт кечиради. Бундай ҳаёт натижаси ўлароқ янги авлод дунёга келади. Аллоҳ таоло инсонни эркак ва аёл жинсидан яратган экан, уларни ўзи кўрсатиб берган шаръий никоҳ асосида оила қуришга буюради.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турмушга чиқадиган қизларнинг ота-оналарига ҳам тавсиялар берганлар: "Қачон сизлар (қизингизга) келган совчининг дину диёнатидан ва хулқидан рози бўлсангиз, дарҳол унга қизингизни беринг. Агар шундай қилмасангиз, ер юзида фитна-фасод кўпайиб кетади".

Мазкур ҳадисга биноан, бўлажак келин-куёв бир-бирларини сўраб-суриштиришлари жоиздир. Чунки бу иш келажакда оиланинг янада мустаҳкам ва бахтли бўлишига хизмат қилади. Уйланиш ниятидаги йигит билан қиз бир-бирларини кўришлари ҳам жоиз. Бунга қуйидаги ҳадис далилдир: Муғийра ибн Шуъба (розийаллоҳу анҳу) айтадилар: "Мен бир аёлга совчи қўйган эдим. Расулуллоҳ менга: "Уни кўрдингми?" дедилар. Мен: "Йўқ", дедим. Шунда: "Уни кўргин, чунки кўриш орангизда муҳаббат пайдо бўлишига сабаб бўлади", дедилар".

Уйланишдан мақсад вақтинча кўнгилхушлик эмас, балки насл қолдиришдир.

Никоҳ эр зиммасига хотинга маҳр бериш мажбуриятини юклайди. Ҳанафий мазҳабига биноан маҳрнинг энг ози миқдори ўн дирҳамдан кам бўлмаслиги керак. Аммо ундан кўп бўлиши келин-куёвнинг ўзаро келишувларига ҳавола. Маҳр эр томонидан бўлғуси турмуш ўртоғига унинг никоҳига кирганлиги учун бериладиган, кейин ҳам қайтариб олинмайдиган совғадир. Маҳр хотиннинг хусусий мулкидир.

Қуръони каримда бундай дейилади: **"Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан берингиз! Агар ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса** (берса)**лар, сизлар уни бемалол қабул қилаверингизлар"** *(Нисо, 4)*.

Никоҳ тўйи шариатимизда жорий бўлиб, унда исрофга йўл қўймаслик лозим. Уламолар шариат манъ этган нарсага қилинган ҳар қандай харажат исрофдир дейишган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Энг баракотли никоҳ оз харажат қилинганидир", деб марҳамат қилганлар. Баъзилар тўйни дабдабали қилиш билан фарзандларининг бахтини эмас, балки ўзларининг обрўларини ўйлайдилар. Риёкорлик билан қилинган ҳар қандай ишда асло барака бўлмайди.

Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.

"Ҳидоят"журналининг 2007 йил, 1-сонидан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази жамоаси марказ бош муҳаррири Муфтилла Юсуповга онаси

Толлой аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси ёзувчи, «Чағониён» газетаси бош муҳаррири Зойир Мамажоновга ўғли

НУРИДДИНнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БИЛДИРИШ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририяти томонидан Қодиров Ҳикматиллага берилган вақтинчалик хизмат гувоҳномаси 2006 йил декабр ойида бекор қилинган.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-58-55

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 5079. Буюртма Г — 248. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН